O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 11-oktabr • № 42 (3675)

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Азалдан қон-қардош, дўсту биродар халқларимиз барча замонларда ўзаро ҳамжиҳат, тинч-тотув ва ҳамкорликда яшаб келганлар. Бугунги кунда замон олдимизга қўяётган муаммолар ечимини ҳам биргалашиб топиб, халқларимизнинг осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашда елкадош бўлиш барчамизга отамерос анъанадир. 5-6 октябр кунлари Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида ўтган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви ана шу эзгу анъаналарнинг бардавомлигини яна бир бор намойиш этди.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида янгича шаклда ташкил этилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига таянган ҳолда кенг кўламли мулоқотлар ўтказиш, умумий муаммоларга келишув ва маслаҳатлар орқали умумий ечим топиш имкониятини яратди.

Душанбе саммитида кўп ва хилма-хил масалалар муҳокама этилди. Хусусан, Юртбошимиз Афғонистонда террор ўчоқлари яксон қилинган бўлса-да, лекин бу мамлакатда ҳамон наркотик моддалар муаммоси бартараф этилмаганига эътиборни қаратиб, айни пайтда бу юртнинг оёққа туриб олишига кўмаклашиш учун саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш таклифини илгари сурди.

Саммитда президентлар интеграция жараёнларига тўсиқ бўлаётган омиллар хусусида ҳам суҳбатлашдилар. Келишувга биноан, ҳукуматларга бу борадаги муаммоларни теран таҳлил этиш ва амалий ечим топиш вазифаси топширилди.

Шу чоққача Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ва унинг меросхўри бўлмиш «Марказий Осиё ҳамкорлиги» доирасида жами икки юз қирқ учта ҳужжат имзоланган. Президентимиз Ислом Каримов ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун минтақавий ҳамжамият доирасида қабул қилинган ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва иш бермаётганларини бекор этиш таклифини илгари сурди. Саммит қатнашчилари бу ҳужжатларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга келишди.

Кенгайтирилган тартибда ўтган президентлар учрашувида иқтисодий интеграция, транспорт коммуникациялари, ижтимоий, маданий алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди. Келишувга биноан, шу йил ноябр ойида Тошкентда минтақа миқёсидаги бизнес-форум, йил охиригача эса яна пойтахтимизда ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг йиғилиши ўтказиладиган бўлди.

Маълумки, ҳарқандай халқаро ташкилот унга аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қилсагина унга эҳтиёж сезилади. Шу маънода, МДҲ доирасидаги ишлар талаб даражасида амалга оширилмаётгани кейинги пайтларда тез-тез айтилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувига жўнаб кетиш олдидан журналистларга берган интервюсида бу ташкилот фаолиятида кейинги пайтларда анча сусайиш кузатилаётганини таъкидлади.

Молдава пойтахти Кишинёвда 6-7 октябр кунлари бўлиб ўтган саммитда эркин савдо зонасини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бу учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, жиноятчилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши ҳамкорликда курашиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Ва айни пайтда, Ҳамдўстлик доирасида ахборот макони ва эркин савдо зонаси яратишга қаратилган истиқболли вазифаларни белгилаб олиш режаларига алоҳида эътибор берилди.

Президентлар наркотик моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашдаги ҳамкорлик концепциясини тасдиқлашди. Мазкур концепция саммитда муҳокама қилинган энг муҳим масалалардан бири сифатида эътироф этилди. Шунингдек, саммитда чегара соҳасида ҳамкорликни янада такомиллаштириш ҳамда жиноятчиликка қарши биргаликда курашнинг 2003-2004 йилларга мўлжалланган дастурлари маъқулланди.

Кишинёв саммити аъзо давлатларнинг вазифаларини бажаришда ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга, шу йўл билан мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини, халқлар фаровонлигини ошириш борасида ўзаро самарали ҳамкорлик қилишга интилишни яна бир бор намойиш этди.

Танқид лаҳза

ҲАЗРАТ НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

Тошкентнинг Камолон маҳалласи билан Самарқанд дарвоза орасида, нари борса, икки-уч чақирим масофа бор. Ана шу масканда XIX асрнинг сўнгги чорагида учта буюк сиймо дунёга келган. Буларнинг бири ўзбек романчилигига, иккинчиси миллий мусиқали театрга, учинчиси эса Наби Ғаниев билан биргаликда ўзбек кино санъатига тамал тошини қўйган. Бугун ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз шахс ана шу учинчи сиймо — Сулаймон Хўжаевнинг фарзанди бўлади.

Ҳамид Сулаймон тўнғич фарзанд бўлгани учун отаси уни ўзи билан бирга дўст-ёрларининг уйига олиб борар ёхуд бирор юмуш билан улар ҳузурига юбориб турарди. Шундай кунларнинг бирида у Ғулом Зафарийнинг боғида Навоий билан Фузулийнинг ғаройиб суратларини кўриб қолади. Номаълум рассом Навоийга ҳам, Фузулийга ҳам дўппи кийдириб, узун соқоллари тасвирига алоҳида меҳр-эътибор бериб чизган эди. Қизиқувчан йигитча шу расмлардан нусха кўчириб, алламаҳалгача рассомлик орзуси билан яшайди.

У шу кезларда отасининг маслаҳати билан Мулла Ўтаб исмли хаттотнинг уйига қатнаб, ундан хуснихат бобида сабоқ олаётган эди. Бундан хабар топган Абдулла Қодирий 1927 йил қиш оқшомларининг бирида дўсти Сулаймон Хўжаевнинг хонадонига келиб: «Сулаймон, кўз тегмасин, ўғлинг катта-катта китобларни кўчирадиган хаттот бўлиб қолипти. Каминаи камтарин «Меҳробдан чаён» романимни тугатган эдим, шуни кўчириб берса», деб илтимос қилади.

Роман машинкабоп оқ қоғозга қора қалам билан ёзилган эди. «Абдулла аканинг хати йирик, равшан, дона-дона, хатти муллоий услубида эди. Романни ўқимасдан, кўчириб бўлмади. Уч кун чамаси босиб ўқиб тугатиб, кўнгил жойига тушгач, кўчира бошладим. Тахминан йигирма кунларда «Меҳробдан чаён»ни кўчириб тугатдим», деб эслаган эди Ҳамид Сулаймон.

1928 йили Ҳамид Сулаймон бошланғич мактабни тугатиб, техникумга ўқишга киради. У шу йиллари фақат расм, ҳайкалтарошлик, хаттотликка эмас, балки кино санъатига ҳам ихлос қўйган эди. Бундан дарак топган Искандар исмли киши Абдулҳамидни Москвага ўқишга олиб кетмоқчи бўлади. Набирасининг узоқ сафарга тараддудланаётганини кўрган Офтоб ая ўғли Сулаймонни қойишга тушади: «Қандай отасан ўзи?! Ўғлингга қарасанг бўлмайдими? Маскопга кетмоқчи у!»

Онасидан «ширин» сўзларни эшитган Сулаймон Хўжаев ўғлига танбеҳ бериш у ёқда турсин, ўзи ҳам Москвага ўқишга боришни ихтиёр қилиб қолади. Улар икковлон Москвага бориб, Кинематография институтига ўқишга кирадилар. Ота режиссёрлик, ўғил эса операторлик факултетида таҳсил ола бошлайди. Кўп ўтмай, ота ҳаётий воқеалар тақозоси билан Тошкентга қайтиб, «Тонг олдидан» номли буюк филмини суратга олади. Ҳамид Сулаймон эса 1932 йили институтни тугатиб, она юртига қайтади, аммо нима учундир кинофабрикага ишга эмас,

балки Маданий қурилиш илмий-текшириш институтининг аспирантурасига ўқишга киради.

Киров ўлимидан кейин(1934) бошланган қатағон-қирғин «Тонг олдидан» филмининг муаллифини ва у билан кетма-кет ўзбек адабиётининг қатор чиноралрини ағдариб кетди. Уларнинг миллатчиликда айбланганларини кўрган Ҳамид Сулаймон ҳаётини Ғарб адабиётини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишламоқчи бўлди. У дастлаб Тошкент педагогика институти, кейин Ўрта Осиё давлат университетида чет эл адабиётидан лекция ўқиди. Туғма нотиқ, билимдон олим, эҳтиросли инсоннинг ҳар бир лекцияси талабалар учун чинакам байрам бўлар эди.

Ҳамид Сулаймон 1947 йили Ленинградда француз адиби Проспер Мериме ижодига бағишланган номзодлик диссертациясини катта муваффақият билан ёқлади. Унинг илмий жамоатчилик ўртасидаги обрўси кундан-кунга ошиб борди. Аммо худди шу обрў-эътибор унинг бошига етди. У 1950 йил 29 ноябрда ҳибсга олинди ва 25 йилга озодликдан маҳрум этилди.

«Сулаймон ўлди, девлар қутулди», деган нақл бор. Агар Сталин вафот этмаганида Ҳамид Сулаймон сингари кишиларнинг Узоқ Шарқдаги Чуна лагерида чириб кетишлари ҳеч гап эмас эди.

Ҳамид Сулаймон Ленинградда илмий сафарда бўлган кезларида Салтиков-Шчедрин номидаги машҳур кутубхона хазинасидаги Навоий асарлари қўлёзмалари билан танишиб, келажакда улуғ шоир ижоди билан шуғулланишни ният қилиб қўйган эди. Эҳтимол, тақдир уни шу қутлуғ нияти туфайли илм-фан бахтига сақлаб қолгандир.

У озодликка чиққач, орзу-ниятларини рўёбга чиқариш йўлида озмунча заҳмат чекмади. Навоий қўлёзмалари библиографиясини тузди, «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларини тиклади, «Хазойин ул-маоний»ни қайта нашр этди, «Девони Фоний»нинг илмий-танқидий матнини эълон қилди, «Алишер Навоий лирикасининг текстологик тадқиқоти» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Бундан ташқари, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ва Қўлёзмалар институти Ҳамид Сулаймоннинг саъй-ҳаракати билан майдонга келди. У ўзбек фани тарихида биринчи бўлиб хорижий мамлакатлардаги давлат фондларида сақланаётган миллий меросни қайтариш ишлари билан шуғуллана бошлади. Ушбу санаб ўтилган ишларнинг ўзиёқ Ҳамид Сулаймоннинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан бежиз тақдирланмаганини намойиш этади.

Навоийшунослик фанининг дарғаларидан бири Ҳамид Сулаймон 1968 йили буюк шоир таваллудининг 525 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ишига ҳам катта хисса қўшдики, буни шу тантаналарда қатнашган машҳур шоир Расул Ҳамзатов ҳам тасдиқлаши мумкин.

Наим КАРИМОВ

ЁШЛАР ТЕАТРИ: ҲАМФИКРЛАР ЖАМОАСИ

Театр

Ёшлар театрларининг «Ҳумо» фестивали 8 октябр куни Ўзбекистон Ёшлар театри саҳнасида Австриянинг «Эдитта Браун Компани» замонавий рақс театрининг «Небензоннен» спектакли билан бошланди. Театрнинг бадиий раҳбари режиссёр, хореограф ва раққоса Эдитта Браундир. Жамоа Ўзбекистонда биринчи бор ижодий сафарда бўлмоқда. Бу фестивалнинг биринчи босқичи бўлиб, навбатдагиси ноябр ойида ўтади. Унда Франциянинг Париж шаҳри «Swelt Move» замонавий рақс театри ўзининг «Сукр» спектаклини намойиш этади. Театрнинг бадиий раҳбари таниқли француз режиссёри ва хореографи Лоранс Левоссердир. У Ёшлар театри жамоасига «Мастер Класс» сабоқларини беради.

Фестивалнинг сўнгги босқичида Исроилдан келадиган «Зеро» театри жамоаси Кобо Абе асарлари асосидаги «Қумдаги аёл» ва «Одам-қути» спектаклларини томошабинларга тақдим қилади.

Бунгача эса Ёшлар театрида ижодий жараён ўз йўлида давом этади. Мазкур жараён ўзгача руҳда ва кўтаринки кайфиятда бўлиши шубҳасиз. Чунки бу мавсумда театр ташкил этилганига 75 йил тўлади. Етмиш беш йил давомида муттасил ижод маскани бўлиб келган, улуғ режиссёрлар, актёрларнинг меҳнатлари сингган театрнинг юбилейини муносиб кутиб олиш жамоанинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ёдингизда бўлса, жамоа «Қабоҳат тузоғи — XXI аср» пластик шоу-майдон спектакли билан мавсумни очган эди. Спектакл томошабинларнинг хоҳиши ва талабларига биноан беш кун давомида узлуксиз намойиш этилди.

Янги мавсумда ҳам премералар жуда кўп. Олдинда томошабинларнинг ижодкорлар билан учрашувлари мўлжалланган. Театрнинг режадаги ишларидан бири «Абадий раққоса Шаррора» асаридир. Уни театрнинг бадиий раҳбари Наби Абдурахмонов Т.Зулфиқоров асарларидан фойдаланган ҳолда саҳналаштирган. Асар мавсум охирида томошабинларга тақдим этилади.

Шуни айтиш жоизки, спектакл олима, ажойиб инсон, санъатшунослик фанлари доктори, профессор марҳума Гулшаҳноз Раҳмонованинг ёрқин хотирасига бағишланади. Шунингдек, болалар учун ўзбек ва рус тилларидаги «Янги йил томошалари» ҳамда Г.Мустафин саҳналаштиришни бошлаган эртак-спектакл ҳам бор.

Айни кунларда Мольернинг «Зўраки табиб» асарини қайтадан саҳналаштириш учун тайёргарлик бошлаб юборилди. Театр жамоаси ёз ойларида ҳам бекор ўтиргани йўқ. Маданият ишлари вазирлиги ёрдамида театр фойеси, томоша зали, саҳна, қолаверса, театрнинг ташқи деворлари таъмирланиб, шинам ва гўзал ҳолатга келтирилди.

Жамоа янги спектакл устида ишлаб, ҳатто кичик премьера ҳам ўтказди. «Краш-бум-тарарам» номли бу спектаклни немис режиссёри, актёри ва бастакори Бренд Сикора саҳналаштирди. Спектакл мусиқасини ҳам режиссёрнинг ўзи ёзган. Унда шунингдек, Бетховен, Григ, Моцарт, Шопен асарларидан мўъжаз парчалар ва театрнинг етакчи актёри, бастакор А.Холмурзаев мусиқаларидан фойдаланилган. Спектакл сўзсиз бўлиб, унда мусиқа, рақс, қайғу ва қувонч, илҳом бор. Мусиқа эса гўзаллик, муҳаббат ва нафрат, дўстлик ва ишонч ифодасидир.

Ноябр ойида жамоа Германияга Л.Толстойнинг «От қиссаси» («Холстомер»), Р.Кашаеванинг «Юлдуз тўла осмонда», Б.Сикоранинг «Краш-бум-тарарам» спектакллари билан ижодий сафарда бўлади.

Ёшлар театри жамоасини «Ҳамфикрлар» деб ҳам аташади. Бундай илиқ муносабатга ҳавас қилса арзийди. Ҳамфикрлик бор жойда, албатта, ижод бўлади. Ижод бор жойда эса режадаги барча ишларнинг амалга ошиши турган гап.

Муқаддас АҲМАДЖОНОВА

БИЛДИРИШ

15 октябр куни, соат 15.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Она тилим — жону дилим» мавзуида мушоира бўлади.

Мушоирага ижодкорлар ва адабиёт мухлислари таклиф этилади.

Манзил: Ж.Неру кўчаси, 1-уй.

ҲИНДИСТОН ФАХРИ

Ҳиндистон — қадимий ўлка. Уни афсонавий ўтмишисиз кўз олдимизга келтиролмаймиз. Айни пайтда бугунги Ҳиндистонни унинг фидойи фарзандларисиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Маҳатма Ганди ва Лаъл Баҳодир Шастри бу юртнинг ана шундай ўғлонларидандир. Улар ўз юртининг мустақил бўлишида, бугунги тараққиётига эришишида ўчмас из қолдириб, мамлакат фахрига айланганлар.

Ганди Ҳиндистон ҳукумати тепасига келганда, ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасидаги қонли тўқнашувларни тўхтатишга даъват этиб, буларнинг барчаси мутаассибларнинг, манфаатдор чет кучларнинг иши эканлигини фош этди. Бу билан халқини бирликка, аҳилликкка чақирди. Айни пайтда, у инглизлар таъсиридан озод бўлиш учун очиқ чиқишлар, намойишлар уюштирди.

Лаъл Баҳодир бирор олий даргоҳда ўқимаган бўлса-да, она Ватанининг озодлиги уни оддий фуқародан юрт фахрига айлантирди. Халқ унга Шастри унвонини берди.

Куни кеча Ҳиндистон маданият марказида ўтган «Ганди ва Шастри» мавзуидаги анжуман ана шу улуғ инсонларнинг хотирасига бағишланди.

Унда Ҳиндистон маданият марказидаги директори жаноб Лобо, Деҳли университети профессори Сухаш Чакраварти, Ҳиндистонда Ўзбекистон элчиси бўлиб ишлаган Фотиҳ Тешабоев, Шарқшунослик институти профессори Темур Ғиёсов ҳамда мухлислар, талабалар иштирок этишди.

Сухаш Чакраварти Ганди ва Шастри фаолияти ҳақида маъруза қилиб, уларнинг Ҳиндистон ҳамда бутун жаҳон маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида қолдирган улкан ишларини эътироф этди.

Фотиҳ Тешабоев ҳамда Темур Ғиёсовлар ҳам Ганди ва Шастриларнинг Ватан истиқболи йўлидаги фаолиятларига доир қимматли маълумотлар беришди.

Анжуман сўнгида талабалар билан Сухаш Чакраварти ўртасида инглиз тилида мулоқот бўлди. Жаноб Лобо талабаларни марказ кутубхонасидан фойдаланишга ҳамда инглиз тили курсларида бепул ўқишга таклиф қилди.

Б. МАМАДИЕВ

ПАХТАЗОРДАГИ УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимизда пахта йиғим-терим ишлари қизғин паллага кирди. Бу пайтларда ёзувчилар ҳам, санъаткор аҳли ҳам пахтакорларга кўмакка ошиқадилар. Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси бошқаруви бир ижодий гуруҳ тузиб, пахтакорлар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказишни режалаштирди. Ижодий гуруҳ Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани пахтакорлари билан учрашган эди. Яқинда ана шундай учрашувлардан яна бири Андижон вилоятининг Бўз туманида бўлиб ўтди.

Маълумки, Андижон вилояти пахтакорлари пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. Бўз тумани пахтакорлари ҳам маррага яқинлашиб келмоқдалар, меҳнат суръати тобора ортиб бормоқда.

«Олтин мерос» жамғармаси ижодий гуруҳининг «Янги ҳаёт» ширкат хўжалигида Андижон давлат университети филология факултети талабалари билан ўтказган учрашуви барчада катта таассурот қолдирди. Учрашув Ғуломжон Хўжамов бошлиқ «Асилбек» фермер хўжалиги даласида бўлди. Жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али талабаларга маънавият ва тарих, буюк меросимиз ҳақида сўзлаб берди, кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди, янги шеърларидан ўқиди. Жамғарманинг халқаро алоқалар ва тарғибот маркази бошлиғи Насиба Усмонова, таниқли кинорежиссёр Э.Мамедов, Бўз туман халқ таълими бўлими мудири, шоир Ҳумоюн Акбаровлар ҳам ўз сўзларида юртимизда маънавият ривожи, ёшларнинг маънавий-маданий меросимизга муносабати ҳақида гапирдилар.

Учрашувда бир қатор ижодкор талабалар ўз шеърларидан ўқиб беришди, саҳна кўринишлари намойиш қилишди.

Шунингдек, туманда биринчилардан бўлиб йиллик режани бажарган «Озод», «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликларида ҳам ана шундай қизиқарли учрашувлар бўлди.

Кулгучак газетхон ёзади

БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Турмушимизни оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидениесиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ундан бир зумда етти иқлимда содир бўлаётган энг сўнгги янгилик ва маълумотларни олиш мумкин. Зеро, бугунги кунда мароқ билан дам оламан, деган киши ҳам телевизор кўриб хордиқ чиқарадики, хилма-хил кўрсатувлар, шоу-дастурлар, спорт томошалари, қизиқарли филмлар киши кайфиятини кўтаришга хизмат қилади. Лекин, айтиш жоизки, баъзи пайтларда кўнгилни хижил қиладиган лавҳалар ҳам намойиш этилади. Мисол учун, айрим реклама роликларини олайлик. Тўғри, бугунги кунда ОАВ орқали берилаётган рекламаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, Фақат уларни она тилимиз қонун-қоидаларига мос тарзда тайёрлаш лозим.

Маълумки, «Denta-med» тиш пастасидан ҳозирги кунда кўпчилик фойдаланади. У ўзининг сифатлилиги билан харидоргир маҳсулот. Бироқ унинг ТВда бериладиган рекламаси хусусида ижобий фикр билдириш қийин. Чунки ўзбек тилидаги баъзи сўзлар жуда кўпол тарзда бузиб талаффуз қилинадики, буни реклама ролигидаги спортчи йигитнинг фикр билдираётиб айтаётган сўзларидан ҳам билиб олишимиз қийин эмас: «Denta-med» нафасингизга мўсафолик бахш этади», дейди у. Биз унинг бу гапини бежиз урғулари билан келтирмадик. Негаки, спортчи ўз гапини худди шу тарздаги талаффуз билан сўзлайди. Айтмоқчи бўлганимиз, биринчидан, «мусаффолик» сўзида биринчи урғу биринчи бўғин, яъни «у» товушига эмас, учинчи бўғиндаги «о» товушига берилиши керак. Иккинчидан, мазкур сўзда битта эмас, иккита «ф» товуши бор. У эса фақат биттасини талаффуз қилади. «Бахш» сўзидаги «х» товушининг талаффузи ҳам жуда ғалати. Беихтиёр, наҳотки шу иккитагина сўзни тўғри талаффуз қилиш қийин бўлса, дея ўйлаб қоласан киши. Мазкур рекламани кўрган ва эшитган томошабинда ҳам шундай савол туғилиши муқаррар. Бунисиними майли, аммо «Мезим» дорисининг рекламаси бундан ҳам «чиройли» чиққан: «Мезим» — ошқозон учун энг манзур. Ҳазми таомда соз, ошқозонда дам оз!» Бунисига нима дейсиз? Ушбу рекламада «соз» ва «оз» сўзлари оҳангдошлиги боис мажбуран ишлатилган.

Рекламалар-ку — қисқа намойиш этиладиган лавҳалар. Аммо баъзи кўрсатувлардаги бошловчиларнинг сўз ва ибораларни ноўрин қўллашларига, нотўғри талаффуз қилишларига гувоҳ бўляпмиз. Бу эса она тилимизнинг асосий қоидаларидан бири — фонетиканинг бузилишига олиб келмаяптими?..

Тилга эътибор элга эътибор бериш билан баробар. Фаолиятимизда бу ҳикматга тўла амал қилсак, она тилимизнинг янада гўзаллашишига эътибор қаратган бўламиз.

Элмурод НИШОНОВ,
Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги академик лицей ўқувчиси

Саъдулла СИЁЕВ

СОҲИБҚИРОН ЕТОЛМАГАН МАНЗИЛ

Шаҳрисабзда сирли бир маскан бор. Бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Дунёнинг етти иқлимидан ташриф буюрган сайёҳлар атайлаб шу масканни сўроқлаб келадилар. Одми, ҳатто бир маънода фақирона бу зиёратгоҳ олдида узоқ вақт хаёлга толиб турадилар. Наҳотки, дунёнинг ярмини ўз иродасига бўйсундирган салтанат соҳибининг сўнгги манзили шу тариқа тасаввур этилган бўлса? Наҳот Самарқанду Кеш, Бухорою қадим Ясси-Туркистонда олий иморатлар бунёд этган Соҳибқирон ўзига шу беҳашам, дарвешлар чиллахонасидек оддий бир сағанани раво кўрган бўлса?

Бу — Амир Темур даҳмасидир.

Хўш, нега буюк жаҳонгир ўзи ният қилган ерга кўмилмади? Сағана нечун битмай чала қолди? Нега одамлар асрлар бўйи ушбу даҳманинг қаердалигидан бехабар эдилар? Келинг, Амир Темурнинг сўнгги кунлари борасида қалам тебратган муаррихларнинг битикларини тағин бир варақлайлик.

Маълумки, 1404 йилнинг охирида Амир Темур Хитой юришига отланади. Неча юз минг кишилик лашкари билан Ўтрорга қараб йўлга чиқади.

Ўша йили қиш қаттиқ келган эди. Бетиним қор ёғар, баъзи манбаларда айтилишича, қорнинг қалинлиги икки найза бўйи (деярли уч метр) келарди. Совуқ заҳрига бирон тирик жон чидамасди. «Ўша кезлари ҳаво шу даражада совиб кетдики, — деб ёзади тарихчи Ҳофизи Абрў, — кўпчилик акобиру зодагонларнинг аъзоларини совуқ олди, оддий фуқаро ва ходимларнинг аксарияти ҳалок бўлди. Қавс (ноябр)нинг бошидан то ҳут (феврал)нинг охиригача Жайҳун ва Сайҳун дарёларининг барча кечувларидан лашкар, аравалар, карвон, филлар муз устидан юриб ўтдилар. Совуқнинг зўридан тил оғизда увишиб қоларди».

1405 йилнинг 15 январ куни Амир Темур Ўтрор шаҳрига келиб тушади ва қиш чилласи ўтгунча шу ерда туришга қарор қилади. Ўзини кузатиб келган хос маҳрамлари ва мулозимларига ижозат беради, улар шарафига зиёфат уюштиради. Бироқ кутилмаганда Соҳибқироннинг иситмаси кўтарилиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Ҳозиқ табиблар дарҳол муолажага киришадилар. Лекин кун ўтган сайин жаҳонгирнинг ҳолати яхшилик томонга юз бурмайди...

Бир куни Амир Темур туш кўрди. У Кўкўғлон деб аталмиш суюкли отида турганмиш. Шу пайт қоши-кўзи чиройли, қомати самбитдек, дуркун бир йигит олдига келиб, отнинг жиловини тутди.

— Отдан тушсинлар, Ҳазратим, — деди йигит қовоқ уйиб, — от миниш навбати энди бизга етди.

Соҳибқирон чўчиб уйғонди. У иймонли бир муслим ва донишманд инсон сифатида бу дунёдан насибаси узилаётганини пайқади. Тахт ворисини тайинлаб, авлодларига айтадиган васиятини айтиб қолиши лозим. Амир Темур бундан кўп йиллар муқаддам ҳам қазои қадар хусусида ўйлаган ва жондек азиз тўнғич ўғли Жаҳонгирни тожу тахт вориси, деб эълон қилган эди. Эвоҳ, Жаҳонгирнинг умри қисқа экан,



йигирма ёшида хасталаниб оламдан ўтди. Кейин Соҳибқирон Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султонни валиаҳд қилиб тайинлади. Муҳаммад ҳам икки йилча бурун отасининг изидан боқий дунёга риҳлат қилди. Жигар-бағри кабоб бўлган буюк бобо энди Жаҳонгирнинг кичик ўғли Пирмуҳаммадни тахтга эга қилиб қолдиришни мўлжаллаб, хаёл суриб ўтирарди.

Ҳазрат аркони давлатни, дин пешволарини, қўмондонлар, набиралари, ўзига содиқ мулозимлару хос муншийларини ҳузурига чорлатди. Сўнгги Фармон фурсати етган эди. Соҳибқироннинг амри билан мунший васият ёзишга тутинди: «Англаб турибманки, руҳ қуши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётибман. Сизларни унинг лутфу марҳаматига топширдим. Оби дийда қилиб ўтирманглар, оҳу нола чекманглар, бундан фойда йўқ. Шу кундан эътиборан фарзандимиз Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикки, Самарқанд тахти анинг амри фармонида бўлғай, тамкинлик ва истиқлол ила мулку миллат, лашкар ва раиятнинг муҳим ишлари билан машғул бўлсин. Сизлар эса, унга тобелик ва бўйсуниш маросимини ўрнига қўйинглар, уни биргаликда қўллаб-қувватланглар, токи олам бузилмасин...

Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун Сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхшилаб ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўриқланг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин».

Бу орада давлатпаноҳнинг саломатлиги кундан-кун ёмонлашиб борарди. Бир куни у аъёнларига аввал бир бармоғини, сўнгра иккинчи бармоғини кўрсатди. Табиблар бу ишорага ўзларича хайрли таъбир бердилар: «Ҳазратимиз, иншоолло, бир-икки кун ичида соғайишни умид қиладирмен, демоқдалар». Соҳибқирон бош чайқади: «Асло, мен ундай демоқчи эмасман. Мен сизларнинг орангизда яна бир-икки кундан ортиқ бўлолмайман, демоқчи эдим».

Ўлим элчиси эшик қоқиб турганлиги барҳақ эди. 1405 йил 18 феврал куни Буюк жаҳонгир бу ёруғ олам билан видолашиб, яхшилар мақомига бориб қўшилди.

Марҳумнинг жасади мўмиёланди, уни махсус аравага ортдилар ва минглаб қўриқчилар қуршовида Самарқанд сари йўлга тушдилар. Бирор ой йўл босиб шаҳарга етиб келдилар. Бу пайт салтанат вориси бўлмиш Пирмуҳаммад айшу ишрат ила банд эди. Дафн маросимини Амир Темурнинг яна бир зукко невараси Халил Султон ўтказди. Бобосини Руҳобод мавзесида, Муҳаммад Султон мадрасасида дафн этдилар. Чунки замон нотинч эди, ҳали олдинда тожу тахт учун қаттол олишувлар турар, бундай вазиятда Соҳибқиронни Кешга элтиш ўта қалтис эди. Шу тариқа Амир Темур ўз даҳмасига етолмай, дорус-салтана — Самарқандда узлатга чекинди.

Хўш, даҳманинг тарихи нечук, унинг кейинги тақдири не бўлди?

Амир Темур, алал-оқибат бир кун, деганларидек, ҳамиша борар боғини ўйларди. Шунинг учун у 1380 йиллардаёқ она юрти Кешда ўзига атаб даҳма бино этишга фармон берган эди. Даҳма Дорус-саодат билан Дорул-тиловат ўртасида бўлиши керак эди. Амир Темурнинг отаси билан ўғли Жаҳонгир ҳам шу ерга дафн этилган эди. Испан элчиси Клавихонинг гувоҳлик беришича, 1404 йилда ҳам даҳма қурилиши давом этаётган экан. Амир Темурнинг тасодифий ўлими ва темурий шаҳзодаларнинг ўзаро низоси туфайли сағана эътибордан четда қолди. Бора-бора у ер тагида кўмилиб кетди.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари. Шаҳар кенгайди, одамлар масжид атрофига ҳам иморат сола бошладилар. Бахтга қарши Мардони ҳовуз кўчасидаги бир фуқаронинг уйи айнан сағананинг устига тўғри келган экан. Бечора хонадон эгасининг тинчи бузилди: ё кунда ёмон туш кўради, ё кўққисдан бир балога дучор бўлади. Бир куни унинг ҳовлиси чўка бошлайди. Уй соҳиби қўни-қўшниларни ёрдамга чорлайди. Ҳовлининг ўйилган ерини очадилар ва... қадим сағана гумбазига дуч келадилар.

Тошкентдан олимлар етиб келишади. Улар сағанани қум-тупроқдан тозалаб, уёқ-бу ёғини андак тадқиқ қилиб, қайта ёпиб қўядилар. Сағанани расаматли таъмирлаш, уни эл-юрт кўзига очиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Чунки Амир Темур номи ҳали тарихларда қора бўёқ билан ёзиларди.

Бундан ўттиз беш йил бурун илк бор Шаҳрисабзга қадам қўйган эдим. Буюк бобомизнинг муборак сағанасини зиёрат қилиш орзусидаман. Бироқ сағана эшиги ҳаммага ҳам очилавермасди, ҳар ким ўзидан чўчирди. У пайтлар туман раҳбари раҳматлик Соиб Усмонов эди. Ҳалим табиатли, бироннинг кўнглини қолдирмайдиган инсон эди. Илтимосимни эшитиб мулойим жилмайди:

— Сизга кўрсатишимиз мумкин. Ёзувчилар асл тарихимизни билишлари керак.

Соиб ака кимгадир телефон қилди. Ҳадемай бир йигит етиб келди. Икковлон йўлга тушдик. Йигит мени пастқам кўчалардан бошлаб кетди. Кўримсиз, кўҳна бир уй олдида тўхтадик. Ҳамроҳим ён-верига аланглаб бир чукурга тушди. Сўнг, келаверинг, дегандек мени имлади. Бир табақали кичкина эшикдан ертўлага кирдик. Йигит гугурт чақиб шам ёқди. Мен турган еримда қотиб қолдим. Чор бурчакли, тепаси гумбазсимон мўъжазгина ҳужра. Ўртада маҳобатли тош тобут. Шам ёруғида у янада ваҳимали, илоҳий бўлиб туюлади. Ахир мен кимсан — жаҳонни титратган жангу жадаллар қироли Амир Темурнинг бўш тобути қаршисида турардим. Кўз ўнгимда Шайхзода домланинг «Улуғбек» асаридаги манзара жонланди: гўё ҳозир мана бу тош тобут қопқоғи жаранглаб очилади-ю, «Урҳо! Ёғий қочди!» дея қилич яланғочлаб Соҳибқирон чиқиб келадигандек...

Бугун, Шаҳрисабзнинг қутлуғ тўйи арафасида яна ўша афсонавий сағанада бош эгиб турибмиз. Бу сафар бизга Жомеъ масжидининг имоми Абдухалил Дўстмурод ўғли ҳамроҳлик қилди. Абдухалил билан кўп йилдан бери танишмиз. Диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган суҳбати ширин йигит. У буюк бобокалон руҳига атаб Қуръон тиловат қилди. Сўнгра даҳма деворларига, тош тобут сиртига битилган арабий ёзувларни ўқиб, таржима қилиб берди. Улар ояти карималар, қудсий ҳадислар эди.

Ер қаъридаги бу нимқоронғи, чоқкина ҳужра, хўжасига буюрмаган нақшинкор бўш тобут одамни зиддиятли мажҳул хаёлларга етаклайди. Умрнинг ўткинчилигини ўйлаб кетасан. Бу кўҳна олам бир қўналға, бир карвонсарой. Бас, шундоқ экан, нечун баъзида кўпикдек омонат ҳою ҳавасларга зиёда кўнгил қўямиз? Нега бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан қўрқмаймиз? Мунофиқлик, такаббурлик, ёлғон сўз орқали роҳат кўзламоқ гуноҳи азим эканлигини нега англамаймиз? Бировнинг асабини қақшатгандан кўра бир оғиз ширин калом билан унинг маҳзун кўнглига чироқ ёққан афзал эмасми?

Амир Темур ардоқлаган пири комил Аҳмад Яссавий дейдилар: «Яхшиликдан нима ёмонлик кўрдингки, яхшилик қилмайсан? Ёмонликдан не яхшилик кўрдингки, ёмонлик қилғайсан?» Мана бу ҳикматни эса Соҳибқиронга нисбат берадилар: «Тикон бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб кўкракка санчил!» дейилади.

Бу икки мўътабар зотнинг мухтасар ўгитлари сизу бизга абадий васият эмасми, азиз ватандош?

Шаҳрисабз — Тошкент

Шаҳрисабз — 2700

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

ШАҲРИСАБЗ АЛЁРИ

Куйлагайман мадҳингни, Кеш,
Довруғинг дунёча бор.
Эл аро номинг улуғдир,
Мартабанг ҳам пойидор.

Шаҳри шариф Бухоро,
Жаннат маъво Самарқанд,
Таъзим айлаб келмиш Хива,
Дилда ҳурмат, ифтихор.

Мангу уйғоқ Соҳибқирон
Тебратур олтин бешик,
Ўзбегимнинг дийдасида
Нур бўлиб ёнмиш виқор.

Мунажжиму мутаржимдир
Тарихингта Оқсарой,
Ки, бўйлашар осмон билан
Кўк тоқида бир тумор.

Боғларингдан боллар томар,
Булоқларинг қўзгудир.
Офтоб билан гул улашгай
Чўққида тоғинг Ҳисор.

Ўзбекистон — тилло узук,
Ёқут кўз — Қашқадарё,
Меҳнатида музаффарлик,
Халқ азизу бахтиёр

Барча миллат қон-қариндош,
Порлагай Дўстлик туғи,
Тенг бўлиб ташлар қадам,
Қўлдадир эрк, ихтиёр.

Мустақил юртим, шукурким,
Сўзлагай ҳур бахтидан,
Қутлагаймиз тўйларингни,
Қалбда сўнмас ишқ, баҳор.

Бағрин очмиш Шаҳрисабз
Чин, содиқ дўстлар учун,
Янграгай кўк узра алёр,
Нарзий кўнгли қўш дутор!

Куйлагаймиз мадҳингни, Кеш,
Довруғинг дунёча бор.
Эл аро номинг улуғдир,
Мартабанг ҳам пойидор

УМРБОҚИЙЛИК

Ёднома

Ўзбекистон халқ ҳофизи, атоқли бастакор Орифхон Ҳотамовни эслаб...

Миллий мусиқа санъатимизнинг асл мумтоз қадриятлари ҳақида сўз борар экан, Ҳожи Абдулазиз Расулов ва домла Ҳалим Ибодов, Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов, Тўхтасин Жалилов ва Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов ва Расулқори Мамадалиев, Ғанижон Тошматов ва Фаттоҳхон Мамадалиев сингари улкан ижодкор ижрочиларимиз сиймолари кўз ўнгимизда гавдаланади. Зеро, уларнинг нодир салоҳияти билан яралган ҳамда янграган гўзал наволар кўҳна ва бой маънавий-мусиқий меросимизга салмоқли улуш бўлиб қўшилган.

Забардаст ҳофиз ва созанда, беназир бастакор ва устоз Орифхон Ҳотамов қолдирган ижодий мерос ҳам яқин ўтмиш тарих саҳифаларидан жой олди. Оллоҳнинг иродаси экан, марҳумнинг 77 йиллик умри, салкам олтмиш йиллик машаққатли изланишлари бесамар кечмади.

Назаримизда, бу кўркам ижодиёт Ўзбекистон анъанавий мусиқа санъатида ўзига муносиб ўрин топади, юксак баҳолар ила кўп таърифланади. Бинобарин, Орифхон ҳофизнинг ноёб ижрочилиги аслида Жўрахон Султоновга аввалроқ машҳур Содирхон ҳофиздан юққан, сўнгра кенгроқ танилган услубий анъаналарнинг изчиллиги билан алоҳида қадрлидир.

Орифхон Ҳотамов ўта камтарин, камсуқум айни пайтда заҳматкаш, чуқур илму маърифат соҳиби эди. У ҳофизликда ҳам, бастакорликда ҳам, муаллимликда ҳам ҳар жиҳатдан мазмундор ва барчага ибрат бўладиган ишларни амалга ошира олди.

Болалигидан Орифхон ғижжак чалишни ўзлаштирди. Ўспиринлигида эса тенгқурлари қатори Комилжон Отаниёзовга эргашиб, тор жўрлигида қўшиқ ва ашулалар айта бошлаган экан.

Вақт соати келиб, машҳур ҳофизлардан Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқов билан яқин мулоқотлар таъсири остида Орифхон миллий мусиқамиз табиатига мойил тушадиган танбур чолғусини ўзлаштирди, унинг ёрдамида мумтоз шеъриятимизга маънодош чуқур мазмунли ашулалар айтишга киришди.

Орифхон Ҳотамов нафақат ашула ижрочилигида, балки мусиқа яратишда ҳам Жўрахон устоз йўлини танлади. Ва тез орада услубан ниҳоятда мураккаб бу ижодий жараёнларда ҳавас қилишга арзигулик ютуқларга эришди. Биргина мисол: Орифхон илҳоми билан битилган Алишер Навоий ғазали асосидаги «Бўлмиш» ашуласини устози эшитиб, хуш кўриб қолган экан. Шу боис уни Орифхон Ҳотамов Жўрахон Султонов билан биргаликда мароқ билан кўп ижро этган.

Изланувчан санъаткор бўлиб

камол топишида Орифхон акага Муқимий номидаги театр, Ўзбекистон радиосининг ижодий муҳити яхши таъсир кўрсатган.

Орифхон ҳофиз кучли, кўламли кенг ва ширадор овоз соҳиби бўлгани учун якка танбур жўрлигида баланд авжли ашулаларни қийналмасдан бир ўзи айтаверарди. Аммо кўпроқ Фарғона-Тошкент удумларига мос, маҳаллий мақому катта ашула ижрочилигига хос жўровозлик ва жўрнавозлик унинг кўнглига мойилроқ эди.

Бир неча ўн йилликлар давомида Жўрахон Султонов билан Маъмуржон Узоқов (баъзида Маматбува Сатторов иштирокида ҳам), Ортиқхўжа Имомхўжаев билан Саттор Ярашев, Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Шоқосим, Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар, Расулқори Мамадалиев билан Камолиддин Ҳамроқуловларнинг ширадор ва салобатли хонишлари бутун элюртимизга манзур бўлиб келганини яхши биламиз.

Шу анъанани маъқул топган ижрочилар сафида Орифхон Ҳотамов 1950-1960 йилларда моҳир хонанда Ҳакимжон Файзиев билан ҳамнафаслик ришталарини боғлайди. Улардаги равон жўровозлик ҳамда танбур-дуторнинг дилкаш мулоқотлари миллий-замонавий мусиқа ижрочилигимиз гуллаб-яшнаётганидан далолат бергандек бўлди. Худди шу ҳамкорлик Орифхон Ҳотамовнинг кўплаб янги ажойиб асарлар яратишига туртки бўлди. Буларнинг энг машҳурларидан, масалан, «Ёр ўтдиму» (С.Зуннунова), «Сенсан севарим» (Лутфий), «Қаро бўлибдур» (Навоий), «Жон фидо этар» (Мушкин), «Айлаб» (Аваз Ўтар) ашулаларини эслаш жоиз.

Орифхон Ҳотамов мусиқадан ташқари эски ва янги замон ўзбек адабиёти, айниқса, ўзбек ва форс-тожик мумтоз шеърияти билан мунтазам мулоқотда бўлиб келган. Айни шу мулоқотлар натижасида ғазал мисраларига пардали куй-оҳанглар топиларди, ифодали ашулалар вужудга келарди. Атоқли ҳофиз бутун умри бўйи тўплаган граммафон ликопчалар ва магнит тасмаларга ўзи ёзиб олган ва овоз ёзиш студияларида муҳрланган нодир ёзувларидан ҳамиша бахраманд эди.

«Аҳбоби билан» (Собир Абдулла), «Найлайин», «Қоши ёсинму дейин», «Оқара бошлади» (Навоий), «Дармондин ортиқ» (Боқирғоний), «Умринг елдай ўтади» (Яссавий), «Айладинг қўйдинг» (Фурқат), «Карам қил» (Фузулий), «Овора бўлма дейди», «Ўргилайин» (Чустий) каби Орифхон Ҳотамовнинг ўнлаб дилрабо ашулаларини тўй-ҳашамларда ижро этмайдиган кексаю ёш ашулачи-ҳофизларни, уларни хуш кўриб мароқ билан тингламайдиган кишини топиш мушкул.

Орифхон Ҳотамов Содирхон ҳофиз бисотидаги аксарият форсийзабон мумтоз ашула йўлларининг асл мусиқий услубини сақлаган ҳолда, уларга ўзбекча сўз боғлаб, замондош санъаткорларга иньом этган. Тингловчилар бундан ҳамон баҳраманд бўлишмоқда.

Чунончи, Орифхон ака янги басталаган ёки эски намуналардан қайта тиклаб, ўз ижро талқинида расм қилган ашулалар бир неча ўн йилликлар давомида бутун Ўзбекистон бўйлаб баралла янграмоқда. Шу ўринда Ҳожи Абдулазизнинг «Бозургоний»ини, Фарғона-Тошкент «Баёт» туркумларини, Шашмақомдан «Сараҳбори Наво», «Мўғулчаи Дугоҳ» каби мақом шўъбаларининг нодир ижро йўлларини, «Дилхирож» ва «Ёввойи Тановар»нинг ашула йўлларини эслаш мумкин.

Ўзбекистонда миллий ашулачилик, мақом санъати каби пойдевори мустаҳкам йўналишлар бор экан, Орифхон Ҳотамов улкан меросининг қадри зинҳор тушмайди. Устоз ўз фаолияти билан жон бағишлаб келган йирик ижодий мактабнинг салоҳияти ва имкониятлари ҳозирда ўрта авлод ва ёшлар изланишларида ҳам ифодасини топмоқда. Шу ўринда Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуд Тожибоев, Бекназар Дўстмуродов ва Маҳмуд Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Матлуба Дадабоева ва Маҳбуба Ҳасанова, халқаро танлов совриндори Сойиб Ниёзов ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари айниқса, ҳайрлидир.

Боз устига, устоз Орифхон Ҳотамов ҳофизлигини сўнгги бир неча йиллар давомида ёнида дутор чалиб ҳамнафаслик қилган севимли фарзандлари Исмоилхон ва Муҳаммадхонларнинг хонишисиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳаёт фалсафасини теран англаган, миллий-мусиқий тафаккур ила гўзалликни баралла тараннум эта билган Орифхон Ҳотамов инсон руҳий-маънавий камолоти йўлида ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилди. Мумтозлик пиллапоясидан ўрин олган унинг улуғвор ижоди эса абадийликка дахлдордир.

Равшан ЮНУСОВ,
Абдураҳим ҲАМИДОВ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Сурхондарё вилоят болалар қўғирчоқ театрида Алп Жамолнинг икки пардали «Дўстлар» мусиқий эртаги намойиш этилмоқда. Асарни режиссёр Гулбаҳор Маҳмудова саҳналаштирган. Асосий ролларни театр актёрларидан Ю.Иброҳимова, З.Шамсуддинова, Ш.Мирзаев, Ш.Шодиев, Г.Қурбонов, С.Алимирзақуловалар ижро этмоқдалар. Эртак болаларда дўстлик, меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини тарбиялайди.

М.КАРИМОВА

* * *

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театри жамоаси бу йилги мавсумни Азиз Несин асари (Насрулло Қобул таржимаси) асосида саҳналаштирилган «Тарослик ёвуз» спектакли билан бошлади. Асарга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров режиссёрлик қилди. Саҳна безаклари муаллифи Шуҳрат Абдумаликов, рақсларни Марина Раҳматуллаева саҳнага қўйган. Асарда турмушнинг берк кўчаларига кириб қолиб, тангликдан чиқолмай, охир-оқибатда жиноят содир этишгача борган инсонлар ва уларнинг фожиали тақдирлари ҳақида ҳикоя қилинади.

С. ЖЎРАЕВА

УСТОЗ

Ҳаётимизни мусиқасиз, қўшиқсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар бир файзли кунимиз, тўйларимиз куйсиз, қўшиқсиз ўтмайди. Лекин бу нозик ва нафис санъат асарини ижро этиш, тингловчига манзур қила олиш кишидан катта меҳнатни, истеъдодни талаб этишини ҳам яхши биламиз. Ана шундай истеъдодларни санъатимиз равнақи йўлида хизмат қилиш учун тарбиялаётганлардан бири — мусиқий таълим устаси, композитор, дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Фаррух Мирусмонов ҳақида сўз юритмоқчимиз. Устоз, мана, 50 йилдан ортиқ вақт давомида Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатида «Халқ чолғулари» бўлими раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Қутлаймиз!

Ф.Мирусмонов республикада биринчи бўлиб болалар халқ чолғулари оркестрини ташкил қилди. Бу жамоа халқ чолғулари оркестрлариаро ўтган кўрик-танловда ғолиб бўлиб, мазкур мактабни оммага танитган бўлса, кейинчалик моҳирона ижроси, дастурларининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан мухлислар орттирди. Бу мактабдан кўплаб таниқли санъаткорлар етишиб чиқди, улар орасида Р.Неъматов, Т.Қурбонов, Ф.Содиқов, Р.Абдуллаев, Д.Аҳмедов каби профессорлар, Б.Расулов, Р.Абдуллаев каби санъат арбоблари, хизмат кўрсатган артистлар, республика ёш ижрочилар танловлари ғолиблари бор. Буларнинг барчасида Фаррух Мирусмоновнинг хизматлари катта.

Устоз фақат таълим-тарбия беribгина қолмай, ижодий ишлар билан ҳам шуғулланиб келадилар. У киши яратган асарлар ичида симфоник оркестр учун «Юбилей увертюраси», халқ чолғулари оркестри учун бир қанча асарлар, болалар қўғирчоқ театри спектакллари учун мусиқалар, фортепиано ва чолғу асарлари бор.

Ф.Мирусмонов иқтидорли шогирдлар тайёрлашдаги фаол меҳнатлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрли унвонига сазовор бўлди. Ташкилотчилиги, жамоа орасидаги маънавий-маърифий ишлари, ишга фидойилиги, ўзига ва атрофидагиларга талабчанлиги билан ажралиб турувчи инсон, кўп сонли шогирдлари ҳурматига сазовор. Устозга соғлиқ, ижодий ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

Бахтиёр АЗИМОВ,
педагогика фанлари номзоди

ВЛАДИМИР ТЮРИКОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли ёзувчи ва журналист Владимир Иванович Тюриков 77 ёшида вафот этди.

В.И.Тюриков 1925 йили Удмуртистон автоном республикасининг Накан қишлоғида туғилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистонга келиб, Тошкент давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) таҳсил кўрди. Узоқ йиллар мобайнида болалар ва ўсмирларга мўлжалланган газеталарда бош муҳаррир бўлиб ишлади.

В.И.Тюриковнинг дастлабки асарлари республикамиз матбуотида 1949 йили босилиб чиққан эди. Ўтган ярим асрдан ортиқ ижодий фаолияти мобайнида ёзувчининг болаларга аталган «Улар ўн икки бола эди», «Марсликлар», «Биз яшаётган уй», «Тиниб-тинчимас Дилбар» ва бошқа насрий асарлари эълон қилинди. Журналист сифатида «Бош йўл», «Оқсоч Орол қўшиғи», «Қувондиқнинг оқ тушлари» каби кўплаб очерклар тўпламлари чоп этилди. Айниқса, журналистнинг «Ярим аср солномаси», «Ўзбекистонга қасида», «Тошкент ҳақида қўшиқ» китоблари жонажон Ўзбекистонимиз ва унинг пойтахти Тошкент ҳаётининг муҳим саналари қаламга олинган маълумотномалар сифатида шуҳрат қозонди. «Бухоро» ва «Тошкент» китоблари эса турли тилларда нашр этилди. Адиб таржимон сифатида ҳам фаолият кўрсатиб, ўзбек болалар адабиётининг бир қанча намуналарини рус тилига таржима килди.

Кейинги йиллари «Мустақиллик» йилнома китобини яратишга катта ҳисса қўшди. «Ўн аср» китобида ўзбек маданиятининг мингйиллик тарихига доир муҳим саналар қаламга олинган.

В.И.Тюриковнинг ёзувчи ва журналист сифатидаги хизматлари муносиб тақдирланди: у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони, «Дўстлик» орденига сазовор бўлди.

Моҳир журналист, таниқли ёзувчи, ўзбек маданиятининг тарғиботчиси Владимир Иванович Тюриков номи ва асарлари қалбимизда сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

ЭЪЛОН!

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти 2002-2003 ўқув йили учун театр санъати йўналиши бўйича икки йиллик ассиссентура-стажировка (Олий режиссёрлик) курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 25 октябргача қабул қилинади. Кириш синовлари 26 октябрдан бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 77-уй. Тел: 56-28-80. 56-29-86.

Тадқиқот, ахборот

БИР РУБОЙИ ТАРИХИ

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг еттинчи мажлисини Амир Темур зикри билан бошлайди. Унинг эътирофига кўра, гарчанд ул зот шеър айтмаган ва назму насрга иштиёқ кўргизмаган бўлсалар-да, муайян вазиятларда, ўша вазият тақозоси билан, баъзи байтларни шундай топиб ўқиганларки, "анингдек бир байт ўқуғони минг байт айтқонча бор". Мисол сифатида Навоий бир воқеани келтиради. Мироншоҳ Мирзо Табризда ичкиликка ружу қўяди, давлат ишларини четга суриб, май, мусиқа ва айшу ишратга берилиб кетади. Самарқандга, ҳазрат Соҳибқиронга Мирзонинг уч надими (ҳамсуҳбат, маҳрами) бўлиб, шаҳзодани айшу ишратга ўшалар тарғиб этаётганини арз қилиб етказадилар. Улар Хожа Абдулқодир, Мавлоно Муҳаммад Кохий ва Устод Қутб Нойи эдилар. Жаллод зудлик билан бориб учаласининг бошини кесиб келтирсин, деган фармон бўлади. Кейинги иккинчи шахс — Мавлоно Муҳаммад Кохий ва Устод Қутб Нойига нисбатан ҳукм ижро этилади, Хожа Абдулқодир эса олдинроқ бу гапдан хабар топиб қочади ва дарвеш-девона суратига кириб, юртма-юрт кезиб юради. Ҳазрат Соҳибқирон яна Ироқ юриши қилганларида баъзилар Хожанинг қочиб юрганидан хабар топиб ул зотга етказадилар. Хожа Абдулқодирни тутишга фармон бўлади ва уни "девона"лигига қўймай олиб келадилар. Хожа Абдулқодир мукаммал эгаллаган илмлардан бири Қуръон ҳифзи ва қироат илми бўлиб, тахтда ўтирган Соҳибқирон ҳузурига олиб келингани заҳоти у баланд овозда, мукаммал қироат билан Қуръон ўқий бошлайди. Оятлар ва қироат таъсиридан Соҳибқирон кўнглидаги ғазаб ўрнини шафқат эгаллайди ва ҳозир бўлган фузалога қараб:

Абдол зи бийм чанг бар Мусҳаф зад, —

(Таржимаси: Дарвеш қўрққанидан Қуръонга чанг солди) мисрасини ўқийди. Шундан сўнг Соҳибқирон "Хожага илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди".

Ушбу воқеа билан боғлиқ баъзи тафсилотлар Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридан ўрин олган. Унга кўра, Соҳибқиронинг махсус фармони билан Табризга йўл олган Амир Сулаймоншоҳ Райга етганда, ушбу шаҳар доруғаси бўлган Амир Баён Қавчиндан амирзода Мироншоҳ табиатида салбий ўзгаришлар содир бўлганлиги хабарини эшитади ва вазиятга ойдинлик киритиш учун Ҳамадон шаҳрида тўхтайди. Абубакр Мирзо ва Мироншоҳ Мирзонинг амирлари машварат қилиб, Амир Сулаймоншоҳнинг зудлик билан Табризга келишини сўраб хат ёзадилар. Амир Сулаймоншоҳ Табризга келгач, икки кундан сўнг Мироншоҳ Мирзони Соҳибқирон ҳузурига юборади. Мироншоҳ Мирзо Соҳибқиронга ўн тўққиз пешкаш тортиқ этади, бироқ воқеадан хабардор Соҳибқирон уларга бурилиб ҳам қарамайди. Соҳибқирон давлат хазинасидан Мироншоҳ Мирзо томонидан сарф этилган моллар ҳисобини олиш учун Темурхўжа Оқбуға ва Жалолулисломни Табризга жўнатади. Улар Табризга етиб, девоннинг кирим-чиқим дафтарларини текширадилар, хазинага тушган ва сарфланган моллар ҳисобини олиб, Табриздаги ишлар ҳақида Соҳибқиронга ҳисобот берадилар. Шунингдек, Мироншоҳ Мирзонинг айшу ишратга берилиб кетишига унинг хос мажлиси маҳрамлари — Мавлоно Муҳаммад Кўҳистоний, Устод Қутбиддин Нойи, Ҳабиб Удий ва Абдулмўмин Гўянда сабабчи эканлигини етказадилар. Соҳибқирон бошқаларга ибрат бўлиши учун уларни дорга осишга буюради. Дор остига олиб келишгач, Мавлоно Муҳаммад зарофат ва мутойиба аҳли одатига кўра, Устод Қутбиддинга қараб: "Устод шу ерга (дор остига) келишимизга сабабчи бўлган барча ишларда бизнинг пешвомиз ва раҳнамомиз эдилар, бу мақомга кўтарилиш (яъни дорга осилиш)да ҳам ушбу русумга риоя қилинса (яъни раҳнамоликни охирига етказиб, бизни сўнгги мақому манзилга ҳам ўзингиз бошласангиз)", — дея мутойиба қилади. Жаллод найнинг ичидан ип ўтказиб Устод Қутбиддинни дорга осади (чунки "Нойи" лақаби "Найчи", демакдир). Навбат Мавлоно Муҳаммадга етганда у ўз ҳолини шарҳлаб, қуйидаги икки байтни бадиҳа тарзида ўқийди:

Поёни кор ва охири умр аст, ба худо,
Гар боядат ва гар на, ба даст ихтиёр нест.

Мансурвор гар бибарандат ба пойи дор,
Мардона пойдори жаҳон пойи дор нест.

(Таржимаси: Худо ҳақи, умр охирлаб, ишлар поёнига етганга ўхшайди, хоҳлахоҳлама — ихтиёр қўлда эмас. Агар Мансур каби дор остига олиб келсалар, мард киши учун дор устуни жаҳон устунидан афзалдир.)

Қолган икки маҳкумнинг ҳаётига ҳам шу тахлит нуқта қўйилади. Эътибор берадиган бўлсак, бу ўринда Хожа Абдулқодир номи эсланмайди. Нега? "Зафарнома"нинг икки ўрнида Хожа Абдулқодир замонасининг етук мусиқа устози ва шоири сифатида зикр этилади, аммо Мироншоҳ Мирзони йўлдан урганлар орасида тилга олинмайди. Бизнингча, кейинчалик Хожанинг тўғри йўлга кирганлигини инобатга олиб, ҳурмат юзасидан ушбу нохуш воқеада унинг номи тилга олинмаган бўлса керак. Навоий воқеа ҳақида гапирганда "нақл қилурларким" дейишига кўра, у ёзма манбаларда мавжуд бўлмаган оғзаки маълумотлардан фойдаланган кўринади. Бу эса, гарчи кишилар номларида чалкашликни келтириб чиқарган бўлса-да, Навоий маълумотларининг қимматини яна бир карра оширади.

Маълум бўлишича, Амир Темур томонидан, Навоий ибораси билан айтганда, "ба вақт" ўқилган ушбу мисра Шайх Абу Саид Абулхайр (вафоти 4400 —1049 йил) рубоийсининг охирги мисраси бўлиб, унинг тўлиқ матни қуйидагичадир:

Ҳавро ба назораи нигорам саф зад,
Ризвон зи таажжуб кафи ҳуд бар каф зад,
Як холи сияҳ бар он рухон мутраф зад,
Абдол зи бийм чанг дар Мусҳаф зад.

(Таржимаси: Ҳурлар нигорим теграсида саф тортдилар; ақл бундан ҳайратланиб, қарсак чалиб юборди. Ёрим юзидаги қора холни кўрган фаришталар ҳар тараф қочдилар; дарвеш қўрққанидан Қуръонга ёпишиб олди.)

Навоий рубоийга юксак баҳо бериб: "Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар, балки қарн(аср)ларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас", — дея таърифлайди. Абу Саид Абулхайр Майҳанийнинг ушбу рубоийси шу қадар машҳур бўлганки, таниқли олим Б. Валихўжаевнинг аниқлашича, унинг шарҳига Сайид Неъматуллоҳ Валий уч рисола, Сайид Қосим Анвор бир рисола, Шайх Озарий бир рисола бағишлаганлар. Яна Хожа Яъқуб Чархий ва Хожа Аҳрор ҳам ушбу рубоийни шарҳлаб махсус асар ёзганлари маълум. Рубоий машҳурлиги ва мансубияти аниқ бўлганлиги сабабли Навоий унинг муаллифини эслатишни ортиқча, деб билади ҳамда Соҳибқиронинг маънавий қиёфасини гавдалантирадиган ёрқин мисол сифатида ушбу воқеага мурожаат қилади.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор "Рисолаи ҳавроия"да ёзишича: **ҳавро** — ўлим тўшагида ётган беморнинг боши узра тўпланадиган ҳурлар; **нигор** — маҳбублик мақомига етган инсон руҳи; **ризвон** — ақл бўлиб, у макони инсон қалбида бўлган жаннатнинг қўриқчи ва посбонидир; **таажжуб** — холиқнинг маҳлуқда акс этганлигини англаган ақлнинг ҳайратга тушиши; **холи сияҳ** — ўлаётган кишига юзланадиган синиқлик, ожизлик ёхуд ҳақиқий фақирлик мақоми; **абдол** — инсоний қувватлар; **мусҳаф** — Ҳақ мазҳари бўлган инсоний ҳақиқат; **чанг солмоқ** — инсоннинг азалий руҳга мурожаат этиши (улувв)нинг рамзидир. Рубоийнинг тасаввуфий мазмуни эса қуйидагичадир: ўлим тўшагида ётган Ҳақ ишқи беморининг теграсида ҳур ва фаришталар йиғиладилар. Ақл бу манзарани кўриб таажжубдан гўдакларча қарсак чалиб юборади. Ҳақ ошиғи юзидаги таслимиятни кўрган ҳурлар ҳар томонга қоча бошлайдилар. Беморнинг нафсоний қувватлар раҳмоний сифатларга айланади ва висол (Ҳақ васлига етиш) рўй беради.

Хожа Аҳрор ундан олдин ҳам ушбу рубоийга шарҳлар битилгани, бироқ улар бир саволга — нима учун мазкур рубоийнинг бемор боши узра ўқилиши ҳамда ўқилганда ижобий таъсир этиб, унинг соғайиб кетишига боис бўлишини тушунтириб бера олмаганларидан баҳс этади. Яъни уларда бемор ва рубоий мазмуни ўртасидаги ўзаро боғлиқлик изоҳлаб берилмаган. Муаллифнинг ёзишича, рубоийдаги асосий моҳият муҳаббат дарди, Ҳақ ишқи йўлига кирган кишига етадиган мушкулликлар ва уларни енгиш, Ҳақ васлига етиш йўллари баёнидан иборатдир. Оддий беморларга нисбатан "Ҳақ васлига етиш" — "Бемор йўлиққан дарддан халос бўлиш ва саломатликка эришиш" мазмунида талқин этилган. Айтиш керакки, бу билан рубоийнинг таъсир кучи ҳеч ҳам ўзгармаган, яъни у ому хосга баравар таъсир этган. Хожа Аҳрорнинг рубоийни беморлик ва дарддан қутулиш билан боғлаши бежиз эмас эди, чунки манбалар унинг ёзилиш тарихи айнан ушбу масала билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Муҳаммад бин Мунаввар томонидан Шайх Абусаид Абулхайрнинг сўфийликдаги даражалари баёнига бағишлаб ёзилган "Асрор ут-тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Саид" номли асарда айтилишича, кунлардан бир кун Шайхнинг хос муридларидан бўлган Устод Абу Солиҳ қаттиқ касал бўлиб, ётиб қолади. Шунда Шайх Хожа Абубакр Муаддаб номли муридига давот,қалам ва қоғоз келтиришни буюради. У айтилган нарсаларни келтиргач, Шайх юқоридаги рубоийни айтади, шогирди эса ёзиб олади. Рубоийни тўшакда ётган бемор Абу Солиҳ устида ўқийдилар ва қоғозни унинг танасига боғлаб қўядилар. Шу ондаёқ унинг ҳолида сиҳат аломатлари кўрина бошлайди ва шу куниёқ ўрнидан туриб ташқарига чиқади, Дард эса изсиз йўқолиб кетади. (Муҳаммад бин Мунаввар бин Абу Саид бин Абу Тоҳир Майҳаний. Асрор ут-тавҳид фи мақомоти Шайх Абу Саид. Нашрга тайёрловчи В.А.Жуковский. С:П-бург, 1899, 360-бет). Албатта, беморнинг "дарди" мажозий мазмунда бўлиб, у Ҳақ ишқи ва муҳаббат дарди маъносини ифодалайди. Рубоийнинг дунёга келиши билан боғлиқ ушбу маълумот унинг қавволлар томонидан хонақоларда ўқилиб, ўзини сайру сулукка ҳозирлаган сўфийларни важд ва сукр ҳолига етказгувчи дурдоналардан бири эканлигидан далолат беради. Рубоийнинг тарихий шахс ва воқеалар билан боғланиши, илмий-фалсафий асарлар учун объект бўлиши эса унинг таъсир доираси фақат сўфийлар ва тасаввуф аҳли билан чекланмаганлигини кўрсатиб турибди.

Нодир РАМАЗОНОВ,
ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими

Муиниддин НАТАНЗИЙ

САОДАТ УМИДИ

«Мунтахаб ут-таворихи Муиний»дан ҳикоят

Ғиқралар

...Амирлар (Амир Темур ва Ҳусайн) яна Қандаҳор вилоятининг Гармсир туманига жўнадилар. У ерга етгунларича уларнинг буйруқларига кўра, тарқоқ ҳолда юрган қарийб етти юз отлиқ ҳузурларига паноҳ истаб келишди. Малик Қутбиддин Сейистоний шу яқинда мамлакат тахтига ўтирган бўлиб, унинг қариндош-уруғларидан бир гуруҳи унга итоат қилишмаган эди. Иш шунга бориб етдики, мамлакатни унинг қўлидан тортиб олишмоқчи бўлишди. Аҳволи танг бўлгач, Малик Қутбиддин ўз хайрияти учун амирлардан мадад сўрашни лозим кўрди. Аҳду паймон ва ваъдаларни қуюқ қилиб, уларни чақириш учун элчилар жўнатди. Амирлар етиб келиб, ўн кун мобайнида саркаш кимсаларнинг таъзирини бериб итоатга келтиришди ва Сейистон мамлакати уларнинг зулму зўравонлигидан халос бўлди. Малик Қутбиддиннинг муроди ҳосил бўлиб ўз мақсадига эришгач, берган ваъдалари ва аҳду паймонларини бажариш учун ёқда турсин, аксинча, бу яхшиликлар эвазига амирларни банди этмоқчи бўлди. Амирлар унинг яширин ниятидан воқиф бўлишгач, сездирмай отланиб келган йўлларига равона бўлдилар. Сейистонликлар бир неча тангу тор жойларда уларнинг йўлини тўсиб, қаттиқ олишувлар содир бўлди. Ниҳоят, душманлар зарба еб, ноумид ҳолда қайтиб кетишди-ю, аммо битта ўқ Султони Ғозийнинг муборак қўлига санчилиб, асосий пайлардан бир нечасини узиб ташлади. Чунончи, баъзиларнинг тасаввурича, энди унда тузалиш умиди йўқ эди. Бу жойда тўхтаб қолиш хатарли бўлгани учун амир Ҳусайн Султони Ғозийни Гармсирга тобе қишлоқлардан бирида қўйиб, ўзи Хатлонга жўнаб кетди.

Бу даврда Илёсхожа Мовароуннаҳр тахтида мустаҳкам ўтирар ва бирон кимса ўзига қарши чиқишини хаёлига ҳам келтирмасди. Амир Ҳусайн Қундуз ва Бағлон ноҳияларига етиб келганида Шер Баҳром, Шайх Муҳаммад Баён ва Кайхисрав Хатлоний унга қўшилиб, қарийб икки минг нафар қароунос лашкари атрофига йиғилди. Аммо ҳазрат Султони Ғозий ҳамроҳ бўлмагани учун ишлари ҳеч олға босмади. Амир Ҳусайн ишончли бир кишини учқур отда ҳазрат ҳузурига йўллади ва уни чақириб келтириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилди.

Аммо ҳазрат Султони Ғозий дўстларидан ажралганидан сўнг ўша қишлоқда мажруҳ ва маъюс ҳолда қолган эди. Бир куни у бир деворнинг соясида суяниб тураркан, ўзича ўйлади: "Талаб йўлининг ибтидосидаёқ қўл ва оёғимдан жудо бўлдим, аммо кўзланган муродлардан биронтаси ҳам ҳосил бўлмади. Эндиликда қаноат ва фақирлик гўшасига чекилиб, ўзимни қирғин ва олишувлардан халос этганим яхшидур". Шу аснода бир заиф чумоли девор тепасига тирмашиб чиқа бошлади. У бир неча бор уринса-да, йўлнинг ўртасида йиқилиб тушар ва яна қайта тирмаша бошларди. Ниҳоят, у тепага чиқди. Ҳазрат Султони Ғозий бу заиф чумолининг аҳволи ўз ҳолатига жуда ўхшашлигини мулоҳаза қилди ва дилида улкан саодатга умид уйғонди. Бу ҳол унинг мубрак бадани сиҳат топишига ҳам сабаб бўлди. Амир Ҳусайннинг чопари етиб келгач, у келтирган мактуб мутолаасидан ҳосил бўлган башоратни кундан-кун зиёда бўлувчи иқболининг муқаддимаси деб билиб, дарҳол йўлга тушди...

Форсийдан Ғулом КАРИМ таржимаси.

Танқидни танқид

МУНАҚҚИД ВАДУД МАҲМУД

Билмадим, осмонда кимлар урушди,
Ҳавонинг чеҳраси бирдан бурушди,
Менинг ҳам кўнглимга оппоқ қор тушди,
«Вов Мим»нинг мисқоли салласи каби.

Дерларки: «Элингда олма пишадир,
Ёғин йўқ, деҳқонлар қон йиғлашадир».
Бу хабар ваҳмидан каллам ишадир,
«Вов Мим»нинг файласуф калласи каби...

Ушбу мисралар ҳассос шоиримиз Чўлпоннинг «Қор туйғулари» шеъридан. Шеър сарлавҳаси тагига «Ўртоғим В.М.га ҳазил» деган сўзлар битилган. Бугун Чўлпон шеърларини ёд олмаган, лоақал унинг номини билмаган ўзбек кам топилса керак. Бироқ Беҳбудий, Фитрат, Қодирий ва Авлонийлар даврасида жавлон урган, ўзининг учқур тафаккури билан замондошларининг ҳурмат-эътиборида бўлган, 20-йилларнинг бевақт бўронлари туфайли «Чўлпон ва Фитратлар маддоҳи», дея зулмга мубтало этилган «Вов Мим» — Вадуд Маҳмудий ҳақида кўпчилик билмайди.

Маърифатпарвар боболаримиз шахсияти, илмий-адабий мероси тобора қадр топиб бораётган бир даврда «Университет» нашриёти истеъдодли адабиётшунос Баҳодир Каримнинг «Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд» китобини нашр этди.

Ушбу асар қаҳрамонининг ёшлик йиллари Самарқанд яқинидаги Ражабамин қишлоғида кечган. Отадан бевақт етим қолган ёш Вадуд бу ерда тоғаси Абдулқодир Шакурий оиласида таълим-тарбия олади. Даврининг таниқли адабиётшуносларидан Турсунқул (Раҳим Ҳошим) ўзининг «25 йиллик педагук» («Маориф ва ўқитғувчи» журнали, 1926 йил, 4-сон) номли мақоласида А.Шакурийнинг 1901 йили «уч парта, бир лавҳа, бир устол, бир устули» бўлган янги усул мактаби очиб,муаллимлик қилганини айтади. Вадуд Маҳмуд шу мактабнинг дастлабки талабаларидан эди. Янги мактабда олинган таълим, Шакурий атрофидаги ўзига хос адабий муҳит унинг баркамол мунаққид бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.



Вадуд Маҳмуд 10-йиллардаёқ қизғин ижтимоий фаолият билан машғул бўлди. Дастлабки илмий, публицистик мақолаларини эълон қилди. 20-йиллар ўрталарида эса уни «Вадуд ўртоқ» сифатида кўпчилик таниган, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, А.Саъдий каби олиму адиблар унинг ижодкорлик салоҳияти ҳақида илиқ фикрлар билдирган эдилар. Шунингдек, В.Маҳмуд замондошларининг ҳақу ноҳақ танқидларидан ҳам бенасиб қолмади. 1927 йилга келиб эса мафкура ноғорасида жунбушга туша бошлаган замон айнан замондошларининг тили билан унга сиёсий айблар тақди. Замондошларининг қўли билан ҳақоратли қарсаклар ёғдириб, уни қурултой залидан ҳайдаб чиқарди. Турли руҳий, жисмоний азобларга маҳкум этди. Боту «Қизил маданиятчилар ғалабаси» мақоласида бу ҳақда: «Залдаги бутун маданиятчилар ўринларидан туриб «Битсин», «Йўқолсин бундай кишилар, вадудлар бизнинг орамиздан чиқиб кетсин» товушлари билан зални титратдилар», деб ёзди. Мана шундай қарсаклару қийқириқлар садоси токи 90-йиллargача В.Маҳмуд овозини бўғиб келди. У ҳақда тайинли бир гап, адолатли бир калима айтилмади.

Китоб муаллифининг хизмати шу жиҳати билан салмоқлики, у туҳмату бўҳтонлар қурбони бўлган В.Маҳмуд номининг нафақат поклигини, балки оқловга ҳам муҳтож эмаслигини исботлади. Бу, бизнингча, жўнгина битадиган иш эмас. Адабиётшунос Б.Қосимов таъбири билан айтганда, бунинг учун «газеталар чангини ютиб», архивларда «сарғайган саҳифалар»ни сабру матонат билан варақлаш лозим бўлади. Баҳодир Карим Вадуд Маҳмуднинг элликка яқин асарини 20-йиллар матбуоти саҳифаларидан бир жойга тўпладди. Араб ёзувидан бугунги ёзувга қўчирди, муайян тартибга солди. Ниҳоят, ўзбек адабиётшунослиги тарихи учун муҳим бўлган ушбу асар дунёга келди.

Китобнинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири — унда ХХ аср бошлари адабий жараёни табиати ижтимоий муҳит, турли адабий-эстетик баҳслар таҳлили орқали яхши ёритиб берилган. Иккинчидан, илмий-адабий таъсир масалалари турк, татар, озарбойжон, рус ва жаҳон адабий-танқидий тафаккури мисолида қиёсий ўрганилган. Учинчидан, В.Маҳмуднинг мунаққид, публицист, мумтоз Шарқ адабиётининг билимдони, миллатпарвар зиёли эканлиги илмий исботланган. Китоб муаллифи В.Маҳмуд тадқиқотчилигига хос индивидуал жиҳатларни қуйидагиларда кўради: а) фикрни фактлар асосида илмий далиллаш; б) бадиий асарни кўпроқ эстетик нуқтаи назардан текширишга интилиш; в) холислик, илмийлик, сўзга масъуллик; г) бадиий асар гўзаллигини чуқур ҳис қилиш ва матнни яхши тушуниш.

Бу хулосаларнинг ўзиёқ В.Маҳмуд шахсияти ва теран тафаккури ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Ундан ибрат олишга етарли асос бўла олади. Қолаверса, китоб муаллифининг олимлик салоҳиятини равшан кўрсатади.

Мутолаа жараёнида айрим мулоҳазалар ҳам туғилди. Б.Карим Вадуд Маҳмуднинг «Турк шоири Ажзий» мақоласини чуқур таҳлил этмагандек тасаввур уйғотади. Зеро, жадид эстетикасининг асл моҳияти ушбу мақолада кенг ёритиб берилган, В.Маҳмуднинг адабиётнинг назарий масалалари хусусида билдирган энг салмоқли фикрлари мазкур мақолада ифода топган эди. Бундан ташқари, китобда В.Маҳмуднинг қувғин қилиниши тафсилотлари маромига етмагандек кўринади.

Умуман, адабиётшунос Баҳодир Каримнинг «Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд» номли китоби ХХ аср бошлари адабий жараёни, эстетик тафаккури ҳақидаги яхлит тадқиқот сифатида ўзига хослик касб этади.

Баҳодир САРИМСОҚОВ,
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Ўзбеклар ва дунё

АМЕРИКА: «ПАЙМОН»ДА ЎЗБЕК МАДАНИЯТИ

АҚШнинг Ню-Йорк шаҳрида бир гуруҳ афғонистонлик олимлар, адиб ва шоирлар томонидан эркин нашр — "Паймон" илмий-адабий журнали чиқарила бошланган эди. Катта ҳажмли тасвирли журналнинг 1— 4-сонлари қўлимизга келиб тегди.

Янги журнал ўзбек, форс ва пашту тилларида нашр этилган. Муассиси таниқли тарихчи, адабиётшунос, истеъдодли рассом профессор Иноятулло Шаҳроний, бош муҳаррири — Муҳаммад Обидий, муҳаррирлари — ёзувчи ва ҳуқуқшунос Абдулмажид Бадрий, Маҳмудбек Туркман бўлиб, таҳрир ҳайъати салоҳиятли олимлар ва соҳибназар адиблардан ташкил топган. "Паймон"нинг биринчи сони ўзбек тилидаги сўзбоши билан очилиб, Косонийнинг наътия шеъри билан тугайди. "Бизнинг армонимиз" сарлавҳали мақолада Афғонистонда яшовчи барча миллату элатлар, ўзларининг ирқи, миллати, дини ва тилидан қатъий назар, халқаро тан олиниб, амалда бўлган инсон ҳуқуқлари асосида бирлашиб, ҳақиқий демократия ва ижтимоий адолатни таъминлаш йўлида ҳаракат қилишлари зарурлиги таъкидланади.

Машҳур адабиётшунос, хитой тили билимдони, профессор Қиёмиддин Роъий Барлос қаламига мансуб "Пашту тилида ишлатиладиган бир қанча туркий (ўзбекча) ва мўғулча сўзлар" мақола тилшуносликда янгиликдир. Муаллиф фикрича, Афғонистонда форсий, туркий ва пашту тилларининг ўзаро таъсири олис тарихга эга. Лекин пашту тилидаги туркий (ўзбекча) сўзлар маданий алоқалар асосида эмас, балки этник ва қабилавий яқинлик туфайли юзага келган.

Журналда босилган илмий-адабий ва тарихий мақолалардан энг муҳимлари қуйидагилардан иборат: "Амир Носируддин Сабуктагиннинг шарҳи ҳоли", "Устод Абдулҳай Ҳабибийнинг таржимаи ҳоли ва асарлари", "Бобуршоҳ боғи, Наврўз базмлари ва Кобулистон ҳашамати", "Ислом буюк хоқони Султон Маҳмуд Ғазнавий", "Қаҳрамон курашчи Иброҳимбек Лақайнинг ҳақиқий сиймоси", "Майманалик профессор Ғулом Муҳаммад — рассом", "Туркий халқлар тарихий ўтмишига бир назар", "Абдолийлар, эфталитлар, хунлар орасидаги ўзаро алоқалар", "Дунёнинг бошланиши ва якунланиши физика илми нуқтаи назаридан", "Физика ва математика", "Шарқий Туркистон сиёсий ва ижтимоий вазиятига бир назар", "Шимолий қўшнилар: Туркманистон", "Мусиқа ислом нуқтаи назаридан", "Сабзмон қўшиқлари", "Хубий Самарқандий", "Форс адабиётида сулҳ, муроса-мадора ва мурувват ғоялари", "Нақшбандия тариқати", "Яссавия ва унинг бошқа тариқатлар билан муносабати"...

"Паймон"нинг 1-сонидан Бобуршоҳ қизи Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асарининг асл матни нашри бошланган. Доктор Иноятулло Шаҳроний ёзган қисқа муқаддимада Гулбаданбегим ҳаёти, шахсияти, илмий савияси, бобурийлар оиласи ва сулоласида тутган юксак ўрни, у қолдирган ушбу асарнинг аҳамияти ҳақида сўз кетади. Шаҳроний "Гулбаданбегим Бобур ўз оиласи билан Кобулда истиқомат қилганидан кейин — 1522 йили шу шаҳарда туғилгани учун у ҳақиқатан Кобул қизи ҳисобланади...", дейди.

Шаҳроний таъкидлашича, "Ҳумоюннома" Афғонистон тарихи, айниқса, темурийлар даврига тегишли энг ишонарли ва мўътабар манбалардан ҳисобланади. Чунки бу олий фазилатли шоҳ қизи ўз кўзи билан кўрган ва яқиндан эшитган барча ҳодисаларни ўз китобига киритган. Олим "Ҳумоюннома" Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан 1959 йили чиқарилган факсимил нашр асосида журналда босилаётганини эслатиб ўтади.

Журналнинг 2-сонидан бошлаб шибирғонлик Мунши Муҳаммад Юсуф томонидан ёзилган "Тарихи Муқимхоний" асарининг нашрига киришилган. Китобнинг танқидий матни афғонистонлик ёш ўзбек олими ва шоири Муҳаммад Олим Лабийб томонидан тайёрланиб, 1375 ҳижрий йилида у ёзган муқаддима билан "Амир Алишер Навоий фарҳангий анжумани" томонидан оз нусхада нашр этилгани туфайли кўпчилик ундан фойдаланишга муяссар бўлмаганди.

Муқаддимада таъкидланишича, "Тарихи Муқимхоний" фақатгина аштархонийлар даврининг сиёсий ва ҳарбий можароларини эмас, балки ўша давр адабиёти ва маданияти аҳволи, нодир қўлёзмалар, шоиру адиблар, машҳур хаттотлар, руҳонийлар, ирфон ва тасаввуф аҳли, меъморлик ёдгорликлари, давр султонлари томонидан тарихий бинолар таъмироти, Балх ва Бухоро билан қўшни мамлакатлар, айниқса, Эрон ва Туркия орасидаги сиёсий, маданий ва савдо алоқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни ўз ичига олади. У Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатлар, айниқса, Афғонистон учун XVII — XVIII асрлар бўйича ғоят нодир тарихий манбадир.

"Туркий тиллар ҳақида изланишлар" сарлавҳали мақола ҳам ўқувчи диққатини тортади. Бу йирик илмий тадқиқотнинг биринчи қисмида туркий тилларнинг келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари, уларнинг ўзига хосликлари, турли шевалари муаммолари атрофида муфассал фикр юритилади.

Мақола муаллифи адабиётшунос олим Бурҳониддин Номиқ уч йил "Савғот" газетасига бош муҳаррирлик қилган, "Амир Алишер Навоий фарҳангий анжумани" муовини бўлган. Ҳалим Ёрқин билан ҳамроҳликда "Ўзбек миллатининг тарихи ва маданияти" асарини ёзган, Н.Маллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигини форс тилига таржима қилиб, нашр эттирган.

"Мулло Баҳодир (Аҳмадзода Самарқандий)" мақоласи Муҳаммад Саид қаламига мансуб. Мақола Самарқандда туғилиб, Афғонистонда камолга етган маданиятпарвар инсон, бир неча фабрика асосчиси бўлган зот ҳақида ҳикоя қилади. Мулло Баҳодур Қорий Шарофуддин (Хубий Самарқандий) девонини 2000 нусхада ўз сармоясига нашр эттирган саховатпеша инсон бўлган.

Мулло Абдулло Чоҳобий (Ориф Чоҳобий) девонидан олиниб нашр этилган 13 бандли мусаддас ўтмишда болшевиклар Бухорони босиб олганларида таъзиянома сифатида ёзилган. Журналнинг 234 саҳифадан иборат 3-сонида Абдулали Нур Аҳрорий "Амир Алишер — темурийлар даврининг зуллисонайн шоири" сарлавҳали катта мақоласининг биринчи қисми берилган. Унда муаллиф "Ҳирот ва темурий шоҳлар", "Абулғозий Султон Ҳусайн Бойқаро" каби кичик сарлавҳалар остида шоир яшаган даврнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳволини кўздан кечириб ўтади.

Бу сондаги диққатга сазовор мавзулардан бири — навоийшунос Султонмурод Олимнинг "Ўзбекнома" туркумидаги "Бешик" ва "Ҳижоб" рисолалари ҳақидаги мақоладир. Муаллиф Х. Исматулло олимнинг китоблари ҳақида сўзлашдан олдин у ёзган ўндан ортиқ китоб ва рисолани ҳам эслатиб ўтади,адибни кўплаб илмий-оммабоп, публицистик мақолалар муаллифи сифатида танитади. У "Ўзбекнома" рукни остида "Дўппи", "Нон", "Сув", "Миллий феъл" рисолалари тайёрланаётганини билдиради. Уларга асосланган ҳолда бешикнинг туркий халқларга хос бўлган, болаларни тарбиялаш учун бир буюк кашфиёт ва тиббий аҳамиятини кўрсатиб ўтади.

Биз тарихимиз ва маданиятимизни ғайрат билан тарғиб-ташвиқ этаётган "Паймон" журнали чиқиши муносабати билан унинг муассиси доктор Иноятулло Шаҳроний, бош муҳаррир ва таҳрир ҳайъатини чин кўнгилдан табриклаймиз. Ушбу муҳим илмий, адабий, ижтимоий ва сиёсий нашрия олдига қўйилган юксак инсоний, тараққийпарвар ғояларга эришиш йўлида ютуқлар ёр бўлишини истаймиз.

* * *

Яқинда Америкадан "Паймон"нинг навбатдаги тўртинчи сонини олишга муяссар бўлдик. Бу сон катта ҳажмда (382 бет) нашр этилиб, охирида инглиз тилида материаллар берилган (12 саҳифа). Журналда туркий халқлар ичида дарий тилидаги адабиётнинг тарқалиши (устод Жовийд), туркий қавмларнинг тарихий ва адабий ўтмиши (Роъий Барлос), зуллисонайн шоир Алишер Навоий (Аҳрорий), Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ — устод Абдулҳай Ҳабибий ёзган муҳим китоб (Шаҳроний), Муҳаммад Байрамхон — Хонихонон (Ҳожи Амонулло), Шоҳ Ғариб Мирзо (Шаҳроний), Мавлоно Абдураҳмон Жомий (Аҳрорий), Абу Али ибн Сино (А.Раҳмоний), Рўдакий Самарқандий (М.Саид), "Бобурнома" (форсча матни) бошланиши (Шаҳроний), "Тарихи Муқимхоний" (Муҳаммад Юсуф Шибирғоний), туркий тиллар ҳақида тадқиқот (Номиқ), "Ҳумоюннома" (Гулбаданбегим), Мелодуннабий (Матин Салжуқий) каби кўплаб илмий, адабий мақолалар, шеърлар босилган.

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

БУ БОҒЛАРНИНҒ МАЗМУНИ ~ ЁНИШ



Салим АШУР

* * *

Нигунларнинг сафидан танлаб,
Менга бахтлар ато этдинг сен.
Қон ярамга босиб малҳам — лаб,
Мен бормаган юртга элтдинг сен.

Бу боғларнинг юпун руҳида
Шовуллаган ёплик эмасми?
Бир дарахтни қучиб йиғласам,
Эслолмайман сени, демасми?

Даргоҳига бош уриб келсам,
Мени қабул қиладими боғ?
Бу боғларнинг хазони кўпми
Ёки менинг қалбимдаги доғ?

Аллақачон чиқиб кетганман
Бу боғларнинг маҳзун ёдидан.
Аммо нега жонимга ҳамон
Титроқ тушар хотиротидан?

Хаёлимга келтирмай туриб,
Юрагимга кириб улгурдинг.
Эй, боғ, наҳот бутун ортимдан
Бир қиз бўлиб ўзинг югурдинг?..

Йўқ, бўлганман, чиқиб кетганман,
Бу боғ менга жудаям таниш.
Ғамларига ёлғиз етганман,
Бу боғларнинг мазмуни — ёниш!

Кўзимдаги бор нур, зиёни,
Юрагимнинг ҳар бир торини
Ва жонимнинг барча риштасин,
Бошимдаги қисмат қорини,

Энг муҳими (бу жуда муҳим),
Умримнинг бор йилларини ва
Бор кунлари, соатларини,
Ҳар дақиқа, сониягача

Бир ҳовуч сув каби тутсам мен,
Бир гул учун асрагил, боғим.
Чанқаб келиб ичганда
Сира
Оғримасин лаби, дудоғи.

* * *

Ёшлигимнинг осмонларида
Қанот қоққан беғубор қушлар,
Ҳаётимнинг армонларидан
Ўқ теккандек тупроққа тушар.

Ёшлигимнинг осмонларида
Хаёл каби тўзғийди пар, пат,
Кечаларнинг достонларига
Сиғмас бир пар ҳақдаги ҳасрат.

Ёшлигимнинг осмонларида
Ёнар янги-янги юлдузлар,
Мени ишқнинг ошёнларида
Бир гул каби излайди қизлар.

Ёшлигимнинг осмонларига
Оқиб кирар ойдин ойдин ой,
Ҳажрнинг дашт, ёбонларида
На уйим бор, на холироқ жой.

Ёшлигимнинг осмонларида
Муқимлик йўқ. Ўткинчи бари.
Мен тақдирнинг довонларидан
Ўтолмайман сира сен сари.

Ёшлигимнинг осмонларида
Шамол каби тебранар хаёл,
Юрагимнинг қатронларида
Ўз-ўзини қидирар аёл.

Ёшлигимнинг осмонларида
Шабадами, умр эпкини,
Дунёнинг бор томонларида
Ёйган сенми севги сепини?

Ёшлигимнинг осмонларида
Юлдузлардек уйғоқ кўзларим,
Фақат — кетма хазонларимдан
Таъсир қилса сенга сўзларим.

Ёшлигимнинг осмонларида
На кеча бор, на тун, на зулмат,
Тополмагай сўзонларимдан
На дўст-душман ва на хусумат.

Ёшлигимнинг осмонларида
Чақмоқ чақар, гурлайди қуёш,
Қолмоқ учун бўстонларимда
Етадими сендаги бардош?

Ёшлигимнинг осмонларида...

* * *

Ёшлик ўтган боғларимда
Тўзғир хазон.
Бу боғларда қадам қўймоқ
Эмас осон.

Хазонларнинг уюмида
Ухлар шамол.
Шамол эмас, уюм-уюм
Сўнган хаёл.

Бу дарахтлар аҳил, содиқ
Дўстларимдир.
Чандиқлари умримнинг
Кам-кўстларидир.

У чоғларда оламни ҳам,
Кўнглимни ҳам,
Кўнгиллардан ўтган равон
Йўлимни ҳам

Қалқиб-қалқиб ёритарди
Меҳрибон ой.
Лекин мени йўлдан урди
Тенгсиз чирой.

Кўнгил бериб йўлларимни
Йўқотдим-ку.
Бол деб ўйлаб заҳар-
Заққумлар тотдим-ку.

Шу тахлитда ёшлигим ҳам
Бўлди хазон.
Бу боғларда юрмоқ энди
Эмас осон.

* * *

Бу ерга келмоқчи эмасдим сира,
Алдаб мени олиб келди маккор йўл.
Кўзларимни тешиб қушим — хотира
Кетти. Учиб кетти қанотлари ҳўл.

Бу йўлга кирмоқлик хаёлин бу гал
Мен ўйлаб топмадим. Рад этдим. Рост гап.
Қувиб ер шарини тутдим маралдай,
Бошимда ин қурган қушларга ўхшаб.

Янаям ростроғин айтсам агарда,
Бошданоқ бу йўлга кирмоқчимасдим.
Сизда эмас, ахир, шу болу пардан,
Ўзимнинг қалбимдан бор эди қасдим.

Рости, ярим йўлдан қайтмоқчи эдим,
Шу одамлар мени шу йўлда кўрган.
Тавба деб, эгамга раҳматлар дедим,
Дунёнинг оёғин осмондан қурган.

Бу йўлга кирмоқчи эмасдим сира,
Алдаб мени олиб кетти маккор йўл.
Кўзларимни тешиб қушим — хотира
Кетти. Учиб кетти қанотлари ҳўл.

* * *

Сиз билан ҳамсуҳбат бўлмадим ҳаргиз,
Яхши кўринмадим шарҳи роз айта.
Фақат узоқлардан боқдим, пари қиз,
Билмайман, уйингиз, кўчангиз қайда.

Қайдан келаяпсиз, қайга борурсиз,
Кимсиз, кимнинг қизи — бари қоронғу.
Сиз кўкдан эл аро ёғилган нурсиз,
Сиз зулмат муҳитни ёриттан ёғду.

Тақдир сўқмоғида ҳар куни сизга
Йўлдош бўламану дилдош бўлолмам.
Қўлингиз, кўзингиз ва изингизга
Ҳамроҳ бўламану бўлолмам ҳамдам.

Эшитмадим ҳатто овозингизни,
Менда тўхтамайди эътиборингиз.
Қалам таҳрир қилар пардозингизни,
Дилларга кам-кўстсиз етиб боринг сиз.

* * *

Ҳаммаси бир дамда тугади. Тамом.
Бир дамда денгизга чўкмоқда кема.
Қуёшни жўнатдим, ана, сен томон,
У ҳам бу ёқларга айланиб келмас.

Кўрдим кўзларимга тўлганда баҳр,
Сен ҳам кўр — кажрафтор нечоғ мунаввар.
Энг ёмон дугонанг — энг ёруғ сипеҳр,
Энг оддий сифотинг — энг ноёб гуҳар.

Бир дақиқа ўтди. Баҳру бар абас,
Ҳаётимни бузди момо Гулдирак.
Оёғинг остида тош синиғимас,
Тошдек майда-майда сочилган юрак.

Ҳаммаси тугади бир дақиқада,
Зилзилалар келди қўл ушлаб саф-саф.
Эй душмани — нукта, эй оғзи — нуқта,
Энг ғариб сифотинг — энг нодир садаф.

Топгандим. Йўқотдим барин бир зумда,
Бўм-бўш уй дунёга ваҳима солди.
Деворда «Бахт берсин!» деган ёзув ва
Михларда илинган кийиминг қолди.

* * *

Мендан аразлади. Терс ўгирилди.
Сўрасам, тебранар. Бермайди жавоб.
У гўё бир даста муаттар гулдир,
Ўқилиши керак бўлган бир китоб.

Мен унинг кўнглини оғритдим, бироқ
Мени кўнглимнинг ҳам оғриғи ёмон.
Қай бир варағини очмайин — титроқ,
Қай бир саҳифасин ўқимай — гумон.

Қай битта гулини тутмай — эгилар,
Тирилгум — қай битта гулин ҳидласам.
Ҳар битта баргидан титроқ тўкилар,
Ҳар бир кипригидан сизиб турар нам.

Битта варақ очсам — бир гул очилгай,
Ўқийман — бу қисса узундан-узун.
Гулидан руҳимга хушбўй сочилгай,
Сўзимдан дунёга сачрагай учқун.

* * *

Кўнглимнинг ёнидан оқмоқда ҳаёт,
Севгининг ёнида титрайди дилим.
Умримни сиз учун қилмадим бунёд,
Ҳатто «ёқасиз» деб айтмадим, гулим.

Бошқа юрак эмас, чигал тугун бу,
Сизни яширганман, уни ечмайман.
«Яхши кўраман», деб айтмайман, лекин
Ҳеч қачон, ҳеч қачон сиздан кечмайман.

Қошингиз қаро йўл, оқ бармоқларим
Ҳеч қачон бу йўлдан юриб ўтолмас.
Тинчу титроқларим атрофингизда,
Сизни қуршаганлар гул ё қуш эмас.

Сизга қизиғи йўқ. Қизиқ гаплардан
Саодат сачратиб кула бошлайсиз.
Менинг шўримгами, ёнгинангизда
Кимдир севишини билмай яшайсиз.

* * *

Одамлар ухласин, қушлар тин олсин,
Сувлар ҳам уйқуга кетсин тонгтача.
Тошлар ҳозиргидек товушсиз қолсин,
Чечаклар чекинсин жондан жонгача.

Дунёнинг тубига етган қудуқлар
Яна ҳам чуқурроқ кирсин тупроққа.
Ҳозир ҳамма-ҳамма тезроқ беркинсин,
Мен чиқиб боряпман...
... сўроққа...

* * *

Тақдирни қарғама, ўксинма, овун,
Жилғадай йўл топиб умринг аро ман,
Хабар берсанг
кундуз,
бўлсин ва ё тун
Сенинг ҳимоянга етиб бораман.

* * *

Узоқда, узоқда, узоқда
Мен кутган кун, мен кутган одам.
Ундан бошқаларнинг кераги йўқ ҳеч,
Ундан бошқа ҳеч ким беролмас ёрдам.

Она деб атардим уни бир пайтлар,
Ҳозир-чи, бегона чамаси.
У мени болам дер,
Шоир дейдилар
Ундан бошқаларнинг ҳаммаси.

Дунё — кенг...

НОБЕЛ ҲАФТАСИ

Стокголм ва Осло шаҳарларида Нобел ҳафтаси очилди. Беш кун давомида олтита фан соҳаси — физиология ва медицина, физика, химия, адабиёт, иқтисод, шунингдек, тинчлик учун кураш бўйича лауреатлар номи эълон қилинади. Биринчи куни Нобел қўмитаси уч нафар олимга «ички органлар ривожининг генетик тартибга солиш жараёнлари» кашфиёти учун мукофотларни топширди. Бу олимлар чувалчанглар устида тадқиқот ўтказиб, «ўлим генлари»ни кашф этишди.

Физиология ва медицина соҳаси бўйича 2002 йил Нобел мукофотига сазовор бўлган бу олимлар АҚШ ва Буюк Британияда ишлашади. Сидней Бернер, Роберт Горовиц ва Жон Сулстон органлар ривожи ва программалаштирилган ўлим ҳужайраларига масъул генларни аниқлашга муваффақ бўлишди.

Тирик организм — тажрибада ишлатилган чувалчанглар ҳужайраларининг бўлиниши, уларнинг табақаланиши ва ривожланиши жараёнларни генетик анализ қилиш имкониятини берди. Тажриба мобайнида ҳатто ҳужайраларнинг ўлимига масъул генларни таснифлашга ҳам эришилди. Хусусан, Роберт Горовец бу генларнинг ўзаро қандай алоқа қилишини ҳам кўрсатиб берди.

Бутун жараённи майда организмда кузатишган олимлар, айни шундай генлар олий организмларда, хусусан, одамда ҳам мавжудлигини исботлашди. «Бу кашфиёт медицина соҳасидаги тадқиқотлар нуқтаи назаридан ғоятда муҳим бўлиб, кўплаб касалликларнинг патогенезига ойдинлик киритади», дейишди Нобел қўмитасидаги мутахассислар.

Олимларга тақдим этилган пул мукофоти миқдори 10 миллион швед крони — бир миллиондан ортиқроқ доллар. Бу йил тўланадиган мукофот пулининг умумий суммаси 60 миллион швед кронини ташкил этади.

ПИВОИЧМАЕВ ВА БОШҚАЛАР

Айримлар ўз исм-шарифлари билан ғурурланса, баъзи бировлар овоз чиқариб айтишга ийманади. Канададаги Мак-Марри шаҳарчасида маҳаллий маъмурият ташаббуси билан ғалати фамилияларнинг ҳазил танлови ўтказилди.

Канаданинг бир неча вилоятларида Марказий ва Шарқий Европадан келган кишилар яшашади. Танловда уларнинг устунлиги яққол сезилди. Танловни махсус жамоатчилик ҳайъати бошқарди. Ҳайъат номига ғалати фамилия эгалари ўзлари ҳақида зарур маълумотларни жўнатишди. Белгиланган кунда йиғилган жуда кўп ишқибозлар гувоҳлигида ҳайъат ғолиблар номларини эълон қилди. Қуйидагилар чиндан ғалати исм-шарифлар деб топилди: Моргач-Безуглий, Нетудихата, Пендер-Бугровска, Ракоед, Непийпиво, Любич-Ярмолович-Лозино-Лозинский. Биринчиликни ҳайъат ёш бир йигитга лозим кўрди, унинг фамилияси: Войтек-Юрген Тржецяк-Радзецкий Виконт фон Бистинг- Волф Торнау. Узунқўйруқ фамилия соҳибига ғолиб сифатида энг сўнгги русумдаги «БМВ» автомобили совға қилинди, деб ёзади «Канадиан Трибюн» газетаси.

ЧЕКМАГАНГА 300 ДОЛЛАР

Машҳур ёзувчи Жюл Верн чекишнинг зарари ҳақида гап кетганда: «Ким айтди мени чекишни ташлай олмайди деб, мен уни юз марта ташлаганман», деган экан. Адибнинг бу ҳазилида чекишни ташлашнинг нечоғли машаққатлигини ҳам англаш қийин эмас. Токиодаги «Триумф» фирмаси маъмурияти ходимлар соғлиғига чиндан қайғуриб, чекувчиларни рағбатлантириш орқали бу бемаъни одатдан уларни халос этишга киришди.

Аёллар ички кийимлари ишлаб чиқарадиган бу фирма чекишни ташлаган ишчиларига ҳар ой 300 доллар беришга қарор қилди. Бунинг учун ёзма шартнома имзоланади. Шартнома имзоланган кундан хизматчининг оиласи белгиланган суммани ола бошлайди. Хизматчи шартномага кўра, фақат фирмада эмас, уйида ҳам чекмаслиги керак.

Ихтиёрий тарзда чекишни ташлаган кишининг номи фирма жамоасига маълум қилинади. Агар ҳамкасб ёки ишчилардан кимдир шартномани бузган хизматчи ҳақида ҳабар қилса,100 доллар мукофот олади.

Бундай имтиёзли тадбирдан кўзланган ягона мақсад — «хизматчилар сиҳат-саломатлигини яхшилашдан иборат», дейди «Триумф» фирмаси вакиллари. Бу тадбир бошланган биринчи куниёқ эллик икки нафар хизматчи чекмаслик ҳақидаги шартномага имзо чекишди. Фирма барча ишчи ва ходимларининг бу тадбирга қўшилишларига эришмоқчи.

«САОДАТГА ДИЛИМ БЎЛДИ ҲАМОВОЗ»

Ёзма ва оғзаки турк адабиётининг тараққиётига ҳазрат Низомий улкан таъсир кўрсатган. Унинг асарларини мутолаа қилар эканмиз, тўқима достонлар эмас, тарихнинг бадиий назмий инъикосини кўрамиз.

Шоир ўзининг «Хусрав ва Ширин» достонини гўзал ҳамду сано ва наътлар билан бошлар экан, «Китоб тузиш ҳақида» бобида тарихий воқеликни қаламга олади:

Фалакка соябон султон керакдир,
На алҳақ соясиз мўлтон керакдир.
Нағора қоқишиб қушлар навосоз,
Саҳар чоғи таралди беш хил овоз.
Кейин ўткинчи тахтга чиқдиЖамшед,
Шаҳаншоҳликда эрди номи хуршед.
Сўнг андин келди етти шоҳи Фағфур,
Ёзишди янги сўзлар бирла маншур.
Тағоншоҳ бўлди сўз бирла жаҳонгир,
Қарохони қаламга берди шамшир.
Бу шамшир бирла кимки ишласа кам,
Қаламдек илгидан чопди ўшал дам.

Ушбу сатрлардан кейин шоир лирик чекиниш қилиб:

Туни мен ухлаёлмай маст қолибман,
Қалам илгимга шамширдек олибман.
Дилимда қайси бир эшикни очсам,
Топиб ганжинасин оламга сочсам.
Не хил тарзини олгумдир забонга,
Не қилсам мақбул ўлгай бу жаҳонга? —

деб, ўз-ўзига савол берар экан, китобхон иккинчи тарихни битгувчи шоир қалами эканлигини қийналмай англаб олади, унинг билан бирга фикрлаша бошлайди. Бироқ кейинги сатрларда Низомий саволига ўзи жавоб топади:

Эшикдан кирди давлат айлади шод,
Кулиб минг бўса бирла берди имдод.
Ишим осон кўчиб гўёки бирдан,
Суғурган сингари қилди хамирдан.
Буюрди шундайин шоҳи жаҳоне,
Ки ёзсам ишқ йўлида достоне.
Фалакда айлабон ханжарзабонлиғ,
Йўниб сўзни қилурсан нуктадонлиғ.
Агар иқболи нек, давлатга ёрсен,
Тамаъдан воз кечсанг бахтиёрсен.

Шу ўринда охирги сатрга эътиборингизни тортсак, «Иззаман қанаъ, залламан тамаъ» — Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳадиси шарифлари ёдимизга тушади: «Қаноатли азизу бахтиёрдир, Тамаъ ким айласа доим у хордир». Ўзгача талқинда ифода этгани билан Низомий ҳазратлари айнан мазкур ҳадис мағзини чақиб, уни истифода этган. Шоир тамаъдан воз кечишликни бахтиёрлик деб билар экан, ўз сўзини шундоқ давом эттиради:

Саодатга дилим бўлди ҳамовоз,
Саодатга саодат айлади ноз —

дея, сабру қаноатни пеша қилган мутасаввуф қаҳрамон ўзини масъуд фархунда сезар экан, бу шодиёна, бу бахту саодат вақтинча омонат эканлигини юрак-юракдан ҳис этиб, Оллоҳдан иноятлар сўрайди, Ҳаққа илтижо қилади:

Ки ёрлиғ вақти етди ёрлиғ эттил,
Ичирмай қон бу хил ғамхорлиғ эттил.

Шоир Яратганга илтижолар айлар экан, кўнгли жойига тушиб дейди:

Жаҳондан юз буриб мен гўша қилдим,
Сиқим арпа унин йўлтўша қилдим.
Хазина узра ётган аждаҳодек,
Туну кун рўза туттувчи юҳодек,
Мисоли ул ариким, тор маъво,
Уйида бордир юз хилда ҳалво.
Насиба ризқу рўз бергувчи султон,
Бўлур эҳсони бирла эл фаровон.

Ҳазрат Низомий Ганжавий «Насиба ризқу рўз бергувчи султон» деб, давр ҳукмдорини олқишлаётганга ўхшайди. Аммо бу тахтда ўлтириб ўлкаларни вайрон этувчи, ўлпон, божу хирож талаб қилувчи султон эмас, билъакс, адолатли тожу тахт соҳиби ҳам эмас. У султонлар султони Ҳақ субҳона ва таъолодир.

Шоирнинг сўз ўйинлари, қочириқлари, киноялари мантиқий мутаносибликка, теран фалсафага йўғрилгани боис ғоят кучли ва ўта таъсирчан. Шариат қонуни, тариқат ғоялари, умуман, тасаввуф тушунчасидан маҳрум китобхон янглишиб, шоир амалдорларга, яъни ҳукмрон табақага роса хушомад қилган экан-да, деб ўйлаши мумкин. Хушомад, риёкорлик маълум бир манфаатга асосланган бўлади. Унинг негизида тамаъгирлик, очофатлик, молу давлату амал, шуҳратпарастлик ётади. Бироқ само юлдузларини ердаги тошларга алмаштиришдан тоймайдиган, жаҳон бойлигидан ўзининг ишқномасини юксак баҳолайдиган, ўзига ҳасад қилганларни алқаб, «Низомийга кишиким айлагай рашк, нафаси оҳсиз ўлсин кўзи беашк», дейдиган шоир Оллоҳдан ўзгага эгиладими? Йўқ, албатта.

Лекин у бир оддий қаламкаш, камтарин инсон сифатида ўзгаларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўяди. У кибру ғуруссиз, такаббурлик ва «манманлик»сиз орифона эзгу хислатлари ила ўзини севимли улуғ зот сифатида кўрсата олади:

Туман ишларки ойдан бўлди равшан,
Шаҳаншоҳ ҳиммату лутфига аҳсан.
Жаҳонда бўлмасанг сен гарчи пулдор,
Қаноатни саодат билки ул бор!

Қаноатсизлик инсонни куфру исёнга, ҳалокатга олиб келиши азалдан маълум. Низомийнинг қаноати — бу тақдири азалга қаноат этмоқлик, Оллоҳга шукроналарга бориб тақалади. У инсонни бўлди, шу етади деб, кўл қовуштириб ўтиришга зиҳқор даъват этаётгани йўқ. У баъзида муболағалар ила ишчанликка даъват этиб, ғайрат уйғотадиган мисралар битади:

Кулоҳи кўкка етгай, боши ойга,
Бу хил подшоҳ ярашгай ҳар саройга.
Бутун оламни олди хайрихоҳ ул,
Худонинг соясидек подшоҳ ул.
Атобек Элдигиз шоҳи жаҳонгир,
Олиб тўрт ўлкани деб тўрт такбир,
Икки оламга этмиш ўзни қурбон,
Жони бор ўлмагай бу хилда султон.
Туғилгай онадан ким бунча хуррам,
Ҳабаш, Чин шоҳи бўлса унга маҳрам.
Ироқда сипқориб ул бодайи жом,
Тушиб титроққа андин кишвари Шом.
Солиб ғорат у Руминнг лашкарига,
Кейин тиғ тортди у Ҳинду сарига.
Шикористонидур Абҳозу Дарбанд,
Эрур ҳукмида Хоразму Самарқанд.

Маҳмуд Ғазнавий, ундан сўнгги Отабеклар сулоласи ҳукмронлиги даврида яшаган шоир «Ер юзининг ярмини турклар тасарруфида кўрдим», деб эътироф этар экан, тарихий ҳақиқатларнинг киши билмас томонларини кашф этади.

Низомий асарларида афсонавий асотирлар тўқима эмас, тарихий шахслар прототипидир. Шоир айни бир тарихий воқеликни назм риштасига чекар экан, унинг ниҳоятда баланд шеърий санъати шарофати билан оддий нарсалар ҳам гўзал ва бетимсол, ҳақиқат эса афсонага ўхшаб кўринади.

Низомий асарларини ўқир экан-сиз, муаллиф яхшини яхши деб сифатлайди, бироқ қаҳрамонлари ҳақида, умуман, кўрган-кечирганларини, зулму разолатини, ёвузликни ҳеч маҳал ҳакамлик қилиб қоралаб ўтирмайди. Чунки у яхши ва ёмон, гўзаллик ва хунуклик ҳақида фикр юритар экан, бу хислат ва фазилат ҳамда иллатларнинг туб моҳиятини очиб беради. Ҳатто икки қишлоқ мулкини ваъда қилиб оламдан ўтган давр ҳукмдори ўрнига тахтга унинг укаси ўтириб, бир қишлоқ ҳадя қилганда бир мусоҳиб Низомийга сенинг «Хусрав ва Ширин» достонингга шоҳ кам ҳадя берди, аслида бир шаҳар бойлигини берса арзирди деганда, ҳазрат Низомий унга: «Менинг достоним баҳоси жаҳон бойлигидан ортиқдир, бироқ мен шоҳ инъом этган бир қишлоқ бойлигини жаҳон бойлигига тенг деб қабул қилдим», дейди. Бу ерда Низомий ўта қаноатли олижаноб шахс эканлигини кўрсатади. Шоҳ инъомини юксак баҳолайди. Сабабки, у инъом учун эмас, ўзи учун ёзган эди. Устига шоҳ юракдан чиқариб уни рағбатлантирса, нега энди у «инъом атойи Худо», яъни «Оллоҳдан етган эҳсон»ни камситар экан.

Шоир, умуман, майда-чуйда нарсалар ҳақида фикр юритмайди. Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳадиси шарифларини ўқиб қандай роҳатлансангиз, маънавий озуқа олсангиз, Низомий шеърияти ҳам Сизга шундай шукуҳ бағишлайди. Лекин ундаги бадиий завқ, шеърий санъат, шарқона гўзаллик, ҳаётга муҳаббат, шубҳасиз, барчага ҳам бирдай ёқади.

Низомийхонлик

Низомий ҳар доим чўчиб келган нарсалари ҳақида шундай ёзади:

Ўжар хоҳишу ташвишдан чўчирман,
Тамаъ кўнгилда хом ишдан чўчирман.
Тамаънинг хирқасин ечмоқ мумкин,
Ўжарлиғдан тамом кечмоқ мумкин.
Мену ёлғиз муҳаббат қолғай ул дам,
Фақат бир истироҳат қолғай ул дам.
Берай бошимни фитрокинга солғил,
Мени маъсуд этиб бандинга олғил.
Саодатлиғ этиб ҳар кимни Оллоҳ,
Ёзуғин айладинг доруға ё шоҳ!

Низомий ўзгаларнинг «доруға» ё «шоҳ» этилганини айтар экан, мен четда қолдим-ку, менга ҳам бер деб, Оллоҳга илтижо этмайди. Балки илтижо этган, бироқ у жуда пардали айтилган ёхуд асарлари сатрига қўшилмагандир.

«Шоҳ Музаффариддин Қизиларслон мадҳида» боби шундай бошланади:

Қанот ёз, эй насими субҳи хандон,
Мурувват айлабон кўргузгил эҳсон.
Ўпиб ер бўл у шоҳнинг хайрихоҳи,
Сурайёда эрурким тахту жоҳи...
Агар бир нақш солса муҳри мумга,
Хирож тушгай Хитога, жузъя Румга.
Агар қонлиғ тиғини урса гулранг,
Оқар дарёйи Руслан чашмайи Занг.
Агарда бўлса бир фатҳи илоҳий,
Олиб ҳинду элин бўлгай паноҳи.
Агар денгизга урса тиғу шамшер,
Балиққа мол «Аҳволинг қалай» дер.

Шоир шу даражада кенг ва атрофлича фикр юритади: шоҳнинг урган тиғи, бир томондан куч-қудратини ифодаласа, икинчидан, адолат ва ҳушёрлигини англатади. Демак, ҳўкизга зиён етмаган, у балиқдан: «сенга ҳам зиён етмадими?», деб сўраяпти. Агар балиққа тиғ тегиб, уни нобуд қилса, унда ҳўкиз ҳам, ер шари ҳам уммонга ғарқ бўлиб, нест-нобуд бўлади. Ер, Ҳўкиз, Балиқ кимгадир мажоз, кимгадир ҳақиқат бўлиб туюлар. Жаҳон пойдорлиги, бирлиги абадий бўлсин. Низомий даҳоси Оллоҳ таъоло қудратининг бир заррасидир, холос.

У юксакка на биздан гард етгай,
Булут ҳам бугланиб осмонга кетгай.

Олимжон БЎРИЕВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Сафар ОЛЛОЁР
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 970. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—4309

Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" таҳририяти газета бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Мурод АБДУЛЛАЕВга падари бузруквори

Абдулло бобо ЭШМУРОДОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.